

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ “УСЛУБИЯТ ВА ТАҲРИР”
КАФЕДРАСИ**

Исматуллаева Нафиса

“Интервью: тури, тили, услуби”

5220100 – Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
катта ўқитувчи
Н.А. Мирзаева**

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ

АСОСИЙ ҚИСМ:

I БОБ. Интервью - ОАВ жанри сифатида.

**II БОБ. Аудиовизуал журналистикада интервьюдан фойдаланиш
ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

III БОБ. Матбуот интервьюларининг тили ва услуби

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио ва телевидение фаолиятини кузатсак, ҳар куни бир неча бор янгиланувчи ахборот дастурлари, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий масалаларнинг ёки жамиятдаги айрим муаммоларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини очишга қаратилган таҳлилий эшиттириш ҳамда кўрсатувларда, шунингдек бадиий публицистик руҳдаги ижод намуналарида интервью журналистик асарлар тайёрлашдаги энг фаол жанр эканлиги ойдинлашади. Зеро, айнан интервью коммуникация асосидир.

«Ҳозирги пайтда кундалик ишларни, янгилик ва ўзгаришларни акс эттиришда, турли мансабдор шахсларнинг фаолиятини ёритишда матбуот, радио ва телевидениеда кўпроқ баландпароз оҳанглар устунлик қилаётганини, воқеа-ҳодисаларни ўз номи билан аташдан тортиниш ҳолатлари, йўл қўйилаётган қонунбузарлик ва камчиликларни хаспўшлаш, қисқача айтганда, бирёқлама қарашлар мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин».¹

Оммавий ахборот воситаларида интервью жанр ҳамда сўров, мулоқот воситасида маълумот олиш усули сифатида намоён бўлади ва журналистик асарларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Бугунги кун оммавий ахборот воситалари фаолиятида, кўп ҳолларда, жанрга бефарқликни кузатиш мумкин. Яъни газетани ўқиш, радиони тинглаш ҳамда телекўрсатувни кўриш жараёнида баъзан журналистика асарида қайси жанр етакчилик қилаётганлигини, ифода мақсадини англаш мушкул. Шунингдек, суҳбат билан интервьюни фарқламай фаолият юритаётган журналистлар ҳам талайгина. Гарчи ҳозирда Ғарб журналистикасида асарлар янгилик ва очеркгагина ажратилса-да, МДХ, шу жумладан, ўзбек журналистлари ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда ижод қилишяпти. Шунга кўра ишда интервью жанри, унинг ўзига

¹Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз –Т.:Ўзбекистон, 2001. -388-б.

хос хусусиятлари, хусусан, тури, тили ва услубий жиҳатларини назарий амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ахборот жанрлари таркибига кирувчи интервьюнинг мазмун-моҳияти, олиниши, ифодаланиш усули ва мақсадига кўра бир неча турлари фарқланади. Унинг айти шу хусусиятларини малакавий битирув иши (МБИ)да мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилдик. МБИда интервью иштирокчилари кимлар бўлиши ҳамда суҳбат жараёнидаги ҳар икки томон масъулияти борасида ҳам тўхталиб ўтилган.

Интервью ёзувиге бўлган муаллифлик ҳуқуқи муаллифлар тариқасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса тегишлидир.

Журналистикада жанр асарнинг мақсади, йўналиши, танланган объектнинг моҳияти, ҳаётий факт, ҳодиса ва ҳолатларнинг таҳлил қилиш усули ва ҳулосалар миқёси, шунингдек, композицион-услубий хусусиятлар билан белгиланади, шу боис, аввало, интервью, хусусан, матбуот интервьюси ҳар жиҳатдан тўлиқ бўлиши керак. Яъни унда маълумот, тафсилот ва мавзуга оид маълумотларнинг ўзаро уйғунлиги талаб этилади.

Интервью тайёрлаган журналист танланган мавзуга кўра савол-жавобда бирламчи ахборот манбаларига ҳамда энг муҳим тавсилотларга эътибор қаратиш лозим. Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади¹.

Оммавий ахборот воситалари интервью жанр ҳамда сўров, мулоқот воситасида маълумот олиш усули сифатида намоён бўлади ва журналистик асарларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Мавзунинг долзарблиги. Йигирма биринчи аср - ахборот асрида ахборот айирбошлаш суръати жадал ошиб бормоқда. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида маълумотларни кўплаб, тез тўплаш, саралаш, қайта ишлаш ва етказиш қанчалик жадал бўлса, иқтисодий самара шунчалик юқори

¹ Тўртинчи ҳокимият // Қонунлар, қарорлар, тартиблар. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -27-б.

бўлиши аксиомага айланди. Айниқса реклама мақсадидаги интервьюларнинг кадри ошиб кетди. Чунки булар истеъмолчига тўғридан-тўғри компания, фирма вакили ёки йирик мутахассис ёхуд товар истеъмолчисининг ўзидан бошқа истеъмолчига етиб боради. Ҳозирги вақтда кечаётган кўп жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ахборот айланиш тезлигига боғлиқ. Воқеа жойидан, энг биринчи, ишончли манбадан маълумот олиш ва уни зудлик билан оммага етказиш ахборот журналистикасининг энг асосий вазифасидир. Биз бежиз ахборот асри ва журналистикаси ҳақида сўз юритмадик. Боиси, мавзумизда ахборот журналистикасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган интервью ва уни ўтказиш тартиб-қоидаларининг назарий асослари баён этилиб, амалий намуналари таҳлил қилинади. Шу жиҳатдан малакавий битирув иши долзарблик касб этади.

Илмий янгилиги. Малакавий битирув иши ушбу жанр хусусиятлари, унинг бошқа жанрлар билан ўзаро алоқаси ҳамда бугунги журналистикадаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга илк бора битирув малакавий иши даражасида ҳаракат қилинмоқда. Ҳозиргача жаҳон журналистикасида интервью жанрига оид қатор илмий-амалий қўлланмалар ёзилган бўлиб, бу борада юртимиз назариётчи ҳамда амалиётчи журналистларининг ҳам ўқув-услубий китоблари эълон қилинган. Иш ана шу адабиётларни ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш асосида ёзилган бўлиб, унда интервью жанр бефарқлиги хусусиятига эга эканлиги, ифода услуби, мазмун-моҳиятига ҳамда журналистнинг иштирокига кўра суҳбатдан фарқ қилиши, уни олиб боришда қўлланилаётган янги, самарадор усуллар ва интервьюер маҳорати борасида атрофлича тўхталинган. Шунга кўра мавзу илмий қимматга эга деб ҳисоблаш мумкин.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Интервьюда журналистнинг фаолияти қандай ташкил этилиши кераклиги, респондентни қай тарзда интервьюга тайёрлаш лозимлиги шунингдек, интервью жанрининг шаклланиш жараёни ва босқичлари, хусусан, теле ва матбуот интервьюларнинг ўзига хос жиҳатларини баён этиш, тили ва услубини

кўрсатиш ишнинг **мақсади** бўлиб ҳисобланади. Бевосита телевидение ва газета интервьюларини таҳлил қилиш **асосий вазифа** қилиб белгиланган.

Малакавий битирув ишининг объекти. Оммавий ахборот воситалари интервьюлари тадқиқот объекти ҳисобланади. Уларнинг жанри, тили ва услубини таҳлил этиш битирув ишининг предметини ташкил этади. Ишнинг объекти интервью бўлиб, предмети интервью турлари, уни ташкил этиш усуллари ва воситалари ҳамда саволлар тизимидир.

Малакавий битирув ишининг тузилиши. Иш кириш, асосий қисмдан иборат икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Киришда танлаган мавзумизнинг долзарблиги, аҳамияти, вазифалари ҳақида тўхталиб ўтилди. Асосий қисм уч бобдан иборат. Биринчи боб “Интервью - ОАВ жанри сифатида” деб номланиб, унда интервьюнинг ўзига хослиги ва турлари ва интервьюда журналистнинг савол бериш маҳорати каби масалалар ёритилган. Иккинчи бобда телевидение радиода интервьюдан фойдаланиш ва бунда ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Учинчи бобда эса матбуотда интервьюдан фойдаланиш, унинг тили ва услуби масалаларини мисоллар орқали тадқиқ этидик. Хулосада эса тадқиқот давомида юзага келган фикрларимизни умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

I - БОБ. ИНТЕРВЬЮ – ОАВ ЖАНРИ СИФАТИДА

Оммавий мулоқот услуги ўзига хос тарихий-ижтимоий асослари ва анъаналарига, ахборий кўлами ва уни уюштириш, узатишнинг усул ва шакллари ҳамда қонуниятларига эга. Унинг матний қурилиш усуллари ва шакллари турфа хил жанрлар билан узвий боғлиқ. Зеро, ҳар қандай нутқ услуги муайян жанрларда ифодаланади. Оммавий мулоқот услуги бой жанрлар силсиласига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос матний қурилиш тартиблари орқали тавсифланади.

Журналист долзарб мавзунини танлаш, ишончли фактларни топиш ва қайта ишлаш жараёнида унинг энг асосий мақбул ифода шаклини ҳам танлайди. Ифоданинг бу шакли ва услуги жанр ҳисобланади. Бу жараён ҳам журналист маҳоратига дахлдор, чунки нутқий ифода қурилиши (композиция) асосий мақсадни ўтайди. Матн тўқимасини ҳис эта олиш – сарлавҳадан тортиб матнни тугаллагунча уни ўқувчи (ёки тингловчи) нуқтаи назаридан фаҳмлай олиш малакаси, маҳорати демакдир. Бу матннинг ҳар бир қисмига, ҳар бир унсурига алоҳида маъно-мазмун юклаш, шунингдек, ажратиш, бўлаклаш орқали қайд этиш ва таъкидлаш бу маҳоратнинг узвий қирралари ҳисобланади.¹

Жанрлар таснифи асосида уларнинг матний қурилишидаги ўзига хослик ётади. Шунингдек интервью жанрининг матний қурилиши ҳам ўзига хосдир. Унда суҳбат, яъни савол-жавоб шаклида материал тайёрланади. Бунда икки томонлама мулоқот: интервью оловчи (интервьюер) ва интервью берувчи (респондент) шахслар ўртасидаги суҳбат назарда тутилади. Шу орқали журналист танлаган мавзунини очиқ беради.

Ҳар бир жанрда булганидек интервьюларда адабий тил меъёрларига риоя қилиш биринчи ўринда туради. Интервью оғзаки нутқ орқали юзага келганлиги учун, баъзан суҳбатдошлар нутқида адабий тил меъёрларидан четга чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Лекин таҳрир жараёнида бундай камчиликларни бартараф этиш муҳим масала саналади.

¹ Тошалиев И., Абдусатторов А. Оммавий ахборот тили ва услуги. –Т.: Зар қалам, 2006. -89-б.

Интервью асли инглизчада «суҳбат», «суҳбат қилмоқ» маъно ифодасини берувчи «interview» демакдир. Ҳозирда ОАВларнинг энг фаол информацион жанри ҳисобланади. Мазкур жанрнинг матбуотда кенг учрашининг сабаби шундаки, ҳаётдаги ҳар бир факт, воқеа ва ҳодисанинг кандай бўлиб ўтганлиги, тафсилоти, одатда, шу фактдан хабардор бўлган, воқеа-ҳодисани кўрган-билган одамлардан сўраб-суриштириб борилади, кейингина бирор жанрдаги матбуот материалига асос бўлади. Унинг матбуотдаги акси эса информацион публицистиканинг энг муҳим, кенг тарқалган, оммабоп жанри ҳисобланади.

Аввало, интервью расмий ва норасмий хилларга бўлинади. Расмий интервьюлар асосан ҳукумат раҳбарларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бирор муҳим воқеа – расмий учрашув, сафар, йирик анжуман ва зарур саналарга ҳамда бошқа давлат аҳамиятига молик тадбирларга бағишланиб ўтказилган пресс-конференцияларда берилади. Норасмий интервью эса журналистлар томонидан у ёки бу воқеа, ҳодиса ҳақида ёзилади.

Интервью шакл жиҳатидан икки турга – ахборий ва таҳлилийга бўлинади. Ахборий интервьюда сўров, суриштирув натижасида олинган факт, аниқланган воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар қилинади ҳамда бу хабар, ахборот ким томонидан айтилганлиги, маълум қилинганлиги билдирилади. Бунда факт ва маълумотлар кимдан олинганлиги қисқача айтилиб, қисқа тарзда берилиши мумкин. Бу жиҳатдан у хабар жанрига яқин туради. Таҳлилий интервью эса суҳбат деб аталади ва унда таҳлилий публицистика хусусиятлари асосий ўринни эгаллайди. Шунини таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда интервьюнинг ахборий ва таҳлилий хусусиятлари бирлашиб кетиши, яъни у орқали ҳам хабар ва маълумотлар берилиши ва фикр-мулоҳазалар билдирилиши мумкин. А.А.Тертычнийнинг фикрича, интервьюларни икки турга – ахборий ва таҳлилий турга бўлиш мумкин. Суҳбатни эса алоҳида таҳлилий жанр деб кўрсатади.

Ўз тузилиши жиҳатидан интервью икки хил – диалог-интервью ва монолог-интервью шаклида бўлиши мумкин. Интервью-диалогда муҳбир ва

суҳбатдош ўзаро савол-жавоб қилишади. Бу савол-жавоб тайёрланиш жараёнида тўғридан-тўғри оғзаки кўринишда ёки ёзма савол-жавоб тарзида олиб борилади. Республикамизнинг машҳур кишилари, фан арбоблари, ёзувчилар, санъаткорлар, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлардан олинган интервьюлар матбуотимизда турли рукнлар остида тез-тез бериб борилади. Кўриниб турибдики, интервью жанрининг бу асосий кўриниши жамият ҳаётининг барча муҳим жиҳатлари ҳақида хабар берилади.

Интервьюнинг иккинчи бир кўриниши интервью-монолог бўлиб, унда мухбир берган интервьюнинг тарихий илдизларига назар ташласак, унинг ибтидоси инсоният дастлаб турли ҳаракатлар билан сўнг эса сўз орқали савол-жавоб қилган даврларга бориб тақалади десак хато бўлмайди. Зеро, савол-жавоб интервьюнинг асосидир. Икки киши ёки жамоа ўртасидаги суҳбат қадимги давр олимлари, шоир ва ёзувчиларнинг асарларида ҳам учрайди. Хусусан, «эрамиздан аввалги тўртинчи минг йиллик бошларига оид ёзма манбалар қадимги Миср ва Бобилда «Хўжайиннинг ўз қўли билан ҳаётнинг мазмуни ҳақида суҳбати», «Ўз ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» каби битиклар ёзилганлигини тасдиқлайди».¹ Бу эса интервьюнинг ҳозирда кенг қўлланиладиган тури диалогнинг ибтидоий намунасидир. Шунингдек, Юнон ва Қадимги Рим файласуфлари Платон, Гераклик ва Аристотелларнинг асарларида ҳам суҳбатларни учратиш мумкин.

Ўрта асрнинг мумтоз шоири ва ёзувчиси Низомиддин Мир Алишер Навоий ижодида ҳам мулоқотнинг гўзал ифодалари мавжуд. Хусусан, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида суҳбат шаклида баён этилган кўплаб фикрларни учратиш мумкин.

Ўзбек журналистикасининг баъзи назариётчилари ҳамда амалиётчилари журналистикага адабий-танқидий фаолиятнинг бир тури сифатида қарайдилар.

¹ Фалсафа. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2000. - 380-б.

Бироқ матбуот, радио, телевидение ва Интернет каби ОАВларнинг ҳозирги фаолияти журналистика жамиятнинг алоҳида соҳаси эканлигини кўрсатапти. Биз ҳам интервьюнинг тарихий асослари сифатида асосан адабиёт намуналарини келтирган бўлсак-да, дастлаб матбуотнинг, сўнг эса радио, телеидение ва Интернет каби оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиб, шаклланиши интервью жанрини юзага келтириб, унинг ривожланишини таъминланганлигини таъкидлаб ўтишни мақбул деб топдик.

Ҳозирда интервью жанри Интернет журналистикада ҳам кенг қўлланилаяпти.

Агар авваллари ахборот кишиларнинг маълумот эҳтиёжи бўлса, ҳозирда у журналистларга катта даромад келтирувчи товар ҳамдир. Боиси «қайноқ» нуқтадан, бирламчи ва ишончли манбадан олинган ахборотга талаб катта бўлиб, уни олишнинг энг қулай усули интервьюдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги ахборот асрида интервью техникаси янада такомиллашиб, жанр хусусиятлари ҳам ривожланиб бораяпти.

Сиёсатчи ҳам, ҳуқуқшуносу ишбилармон ҳам ҳар куни, ҳатто ҳар соатда дунёда қандай воқеалар рўй бераётгани, кашфиётлар қилинаётгани ёхуд бошқа ўзгаришлар ҳақида билишни хоҳлайди. Шу жиҳатдан, ОАВ тарқатаётган хабарлар кенг жамоатчиликни маҳаллий ва хорижий ахборотлардан хабардор қилиш билан уларнинг билимини ўстиришга ҳамда дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилаяпти. «Ахборотнинг бундай кундалик энг муҳим «истеъмол манбаси»га айланиб бориши эса уни топиш, тўплаш ва тарқатиш жараёнини янада тезлаштирди. Бу эса оммага биринчи бўлиб етказилган ахборот қимматини ошириб, уни «пуллаш» имконини ҳам берди. Ахборотнинг тўлақонли бўлишида эса, аввал ҳам таъкидлаганимиздек, интервью муҳим роль ўйнайди»².

² Ирназаров Қ.Т., Маматова Ё.М. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. — Т.: Юнеско, 2002. — 124 б.

Газета ёхуд журнал интервьюси матндагина акс этгани боис уни доимо ўзгартириш ва тўғрилаш имкони бор.

Матбуот интервьюсини ўзига хослиги шундаки, унда суҳбатдош интервьюер саволига қандай жавоб бермасин, журналист суҳбат матнини қайта ишлаши, жумлаларни таҳрир қилиши, суҳбатни мазмунан тўлдириши мумкин. Боиси, матбуот саҳифаларида бериладиган интервьюни журналист, аввало ўзи учун қайд этади, сўнг матнни газета ёки журнал руҳига мослаб қайта ишлайди ҳамда ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади. Бирок матбуотдаги интервьюни ўқиётган ўқувчи унинг руҳини тўла ҳис эта олмайди. Боиси, у интервьюдан билвосита хабардор бўлади, суҳбатдошнинг руҳи, кайфият ҳамда ҳолати мутлақо ахборотга эга бўлмайди. Матбуотдаги интервьюда ҳатто журналистнинг саволи ҳам аслидан буткул ўзгартирилиб ифодаланиши мумкин. Умуман олганда, матбуотда бериладиган интервью ижодий асар намунасидир. Негаки, бу интервьюнинг қандай журналистика асари бўлиши фақат матбуотчи журналистнинг маҳорати ва ижодкорлигига боғлиқ. Интервьюнинг барча турлари, аввало, матбуотда юзага келиб, сўнг бошқа оммавий ахборот воситаларида шаклланди. Шу боис бугунги матбуот саҳифаларида интервьюнинг деярли барча турларини учратиш мумкин.

Газета ва журналларда интервью хабар, диалог интервью, экспресс-интервью фикр, протокол интервью ҳамда портрет интервьюлардан, айниқса кенг фойдаланилади. Матбуот интервьюси ўқувчини мавзу ҳамда танлаган суҳбатдоши ким эканлигига қараб ҳам жалб этади. Бунда фотосуратлар, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлади. Зеро, фотосуратлар матбуот интервьюсини бойитувчи восита ҳисобланади. Шунини қўшимча қилиш керакки, матбуот интервьюси билан танишаётган ўқувчи ҳамиша суҳбатнинг ким билан нима ҳақда бораётганлигини билиб туради. Боиси, булар матбуот намунасида қайд этилган бўлади. Шу боис интервьюер саволларни пухта тузишга эътибор қаратиб, мавзу бўйича йўналиш ҳам танлаб олиши даркор. Матбуот интервьюси қанчалик кенг қамровли, мазмунли бўлмасин, бари бир ўқувчига суҳбатдош шахси ва интервью муҳитини тўла етказа олмайди.

Шундай бўлса-да, матбуотдаги интервью у эълон қилинаётган газета ёхуд журнал адади қанча бўлса, шунча киши (хонадон)га етиб боради ҳамда ашёвий далил сифатида йиллар давомида сақланади. Матбуотдаги интервьюнинг шаклланиши кўплаб назарий манбаларда келтирилган.

Н.Г. Богданов, Б.А. Вязскийларнинг «Справочник журналиста» китобида интервью жанри ва ўтказилиш мақсади баён этилиб, матбуотда унинг монолог ва диалог интервью, давра суҳбати, экспресс сўров ҳамда интервью лавҳа каби турлари учраши айтиб ўтилган. Муаллифлар шунингдек, газета ва журналларда интервьюга мўлжалланган «Бизнинг интервью», «Блиц-интервью», «Кун интервьюси», «Қисқа интервью», «Ўқувчи талабига кўра интервью», «Давра суҳбати» каби алоҳида рукнлар борлигини ҳам қайд этишган.

Аслида интервью учун қисқа ва лўнда савол мақсадга мувофиқ саналса-да, матбуот саволлари ёйикрок, мавзуни тушунтирган ҳолда берилиши кузатилади. Шунингдек, муаллиф саволу жавобларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда матнга сингдириб юборган бўлиб, бу ҳам матбуот интервьюсининг ўзига хос хусусиятидир.

II БОБ. АУДИВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИНТЕРВЬЮДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Интервьюнинг оммавий ахборот воситаларидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилганда, улар орасида телеинтервью энг таъсирчан ҳамда унга кўйиладиган талаблар ҳам матбуот ва радио интервьюсига нисбатан талабчанроқ эканлиги ойдинлашади. Ушбу икки ёки кўп томонлама алоқа журналистга катта масъулият юклаганлиги боис интервьюер суҳбат олдида ёзиб олинганда ҳам, бевосита эфирга узатилаётганда ҳам ҳар қандай вазиятга тайёр туриши, интервью олдида респондент билан мавзунини муҳокама қилиб олиши, ҳатто савол-жавоблар жараёнида суҳбатдошининг кайфиятини англай олувчи ва шунга кўра, у билан муваффақиятли интервью олиб боровчи руҳшунос бўлиши кераклигини касб қонуниятлари қатори давр ҳам талаб этаяпти.

Телеинтервью телевидение жанрлари ичида энг ёши ҳисобланиб, матбуот ва радиointerviewнинг тажрибасини янада бойитди.

Радиointerview эса тўғридан-тўғри эфир орқали узатилаётган савол-жавоб қандай кечса, тингловчига шундайлигича етиб боради. Бироқ интервью эшиттиришдан аввал ёзиб олинса, унда респондент фикрини ўзгартириш ҳамда бойитиш имкони бўлмаса-да, саволлар ўрнини алмаштирилиб, жавобларнинг ҳам лўнда ҳамда керакли қисми сақлаб қолинади. Телеинтервьюда ҳам худди шу усулни қўллаш мумкин бўлиб, унда савол-жавоб қаерда ўтказилишидан қатъий назар, томошабин жараёни, мавжуд муҳитни, суҳбатдошининг ҳолати-ю, жавоб бериш тарзини, юз қиёфасини ҳамда руҳий ҳолатини кўриб, кузатиб боради.

Телеинтервью бир томондан суҳбатдош, иккинчи томондан журналист ва аудитория мулоқотида асосланган жанр бўлиб, томошабинга икки хил кўринишда етазилади.

Ҳар бир оммавий ахборот воситасининг интервьюси ўзига хосдир. Уларнинг журналистик асарлар тизимида ҳам ўз ўрни бор. Журналистлар

Ким? Нима? Қачон? Қаерда? Нима учун? сингари саволлар орқали мавзу (воқеа ёки ҳодиса) моҳиятини таҳлил қилар эканлар матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам интервью ўз долзарблигини сақлаб қолади.

Теледастурдаги интервью, айниқса, ўзига хосдир. Хабарда, танқиду очеркда ҳам уни бемалол кўриб кузатиш мумкин. Матбуотдаги интервьюда интервьюернинг хатоларини матн кўрсатиб берса, радиода жонли овозни эшитиб, адабий тил меъёрларини журналистика қонуниятларига қанчалик амал қилинаётганлиги аниқланади. Бироқ телевизорда интервьюернинг ҳам суҳбатдошнинг ҳам хатолари томошабин кўз ўнгида содир бўлади (кўрсатув агар беосита эфирда кетаётган бўлса ҳам хато монтаж қилиш жараёнида олиб ташланмаса). Телевидениедаги интервью ҳақида гапирганда мухбирлар, аввало, ундан керак ва керакмас ўринларда фойдаланишларини айтиб ўтиш лозим.

Интервью тўлақонли чиқиши учун интервьюернинг энг биринчи қиладиган иши - суҳбатдошининг кимлигини аниқлаш, унинг қизиқишлари, касби, ёши ва ўзига ҳос томонларини яхши ўрганишдан иборат. Бунинг учун журналистдан психология, тилшунослик, мантиқшунослик, этика-эстетикага оид билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Журналист интервью олаётганда ушбу жанрнинг ўзига хос қонун-қоидаларига амал қилиши талаб қилинади. Айниқса, интервьюнинг тили ва услуби ўзига хос. Унда сўзлашув услубига хос тил унсурларидан унумли фойдаланилади. Диалогга хос бўлган хусусиятларга амал қилиниб, локонизмга (қисқаликка) алоҳида урғу берилади. Тўлиқсиз, сўроқ гаплар, тасдиқ сўзлар ва суҳбатдошнинг мутахассислигига оид терминлар кўпроқ қўлланилади. Суҳбат жараёнида оғзаки нутқда ишлатиладиган савол-жавобдан фойдаланилади. Бунда гаплар грамматик жиҳатдан тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Сўроқ гаплар, айниқса, хитобий сўроқлардан унумли фойдаланилади. Респондент касбига оид терминлар, касб-хунарга оид сўзлардан ҳам унумли фойдаланиш интервьюнинг талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Камера ёки микрофон олдидаги шахс ўз нутқини, талаффуз тарзини назорат қилади. Бунда талаффузнинг тасвирий-таъсирчан имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Айни пайитда адабий тил меъёрларига, нутқнинг тўғрилигига ҳам эътибор беради. Зеро, журналист нутқи – мутахассис нутқи ҳисобланади. Бунда орфоэпик меъёрлар, фонетик хусусиятлар ҳам нутқнинг мазмуний-мантикий ва лисоний-матний сифати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, журналист интервью жараёнида суҳбатдошнинг ёши, касби, салоҳияти, кайфияти ҳаттоки жинсини эътиборга олган ҳолда саволлар тузиши керак. Саволларни шундай бериш керакки, биргина савол билан кўпроқ маълумотга эга бўлишга эришиш лозим.

Айниқса, янгиликлар ва ахборот дастурларида баъзи журналистлар интервьюни қўйиш шарт деб билишади. Ўзлари бирон-бир воқеа ҳодисанинг тафсилоти-ю, уни ўтказишдан мақсад нима эканлигини эътироф этиб, респондентдан яна мақсадини сўраб такрор фикрни эфирга узатишади. Мухбирларнинг фаолиятини кузатганда суҳбатдошдан мақсадни сўраш улар берадиган саволларнинг 50%ини, савол бермасдан микрофон тутиш 20%ни, таассуротлар ҳақидаги, оригинал ва нимани сўрашни билмай тасодикий бериладиган саволлар 30%ни ташкил қилишига гувоҳ бўлдик. Тўғри журналистика асарида, хусусан, берилаётган ахборотда мақсад акс этиши керак. Аммо бирон-бир воқеа-ҳодиса ёки тадбир тафсилоти мақсаддангина иборат эмас-ку. Унинг тарихи, тадрижи, истикболи ва фаол иштирокчилари ҳақида сўралса ҳам қизиқ маълумотлар олиш мумкин. Демак, мақсадга ёпишиб олиш шарт эмас, балки, аввало хабарнинг ёки лавҳанинг тўлақонли чиқишида нималар етишмаётганлигини аниқлаш ва уни савол орқали аниқлаштириш лозим. Шу ўринда «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси»даги айни интервью жанри орқали телетомошабинларга етказилувчи кўрсатувларга тўхталсак. «Интервью» номи остида муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва

маданий мавзуларда шу соҳанинг мутасаддилари, сиёсатчилар, давлат арбоблари, умуман, илму зиё аҳли билан ўтказилаётган интервьюларни кузатиб олган хулосаларни баён этамиз.

«Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови хусусида ўтказилган интервьюни рисоладагидек тайёрланган дейиш мумкин. Бироқ бунда суҳбатдош кадрда жуда кўп қолиб кетганлиги, журналист саволларни бир йўла қўшалок қилиб беришини журналистика қоидалари оқламаслигини аввал ҳам айтиб ўтган эдик. Қўлида тайёр матн бўла туриб, мавзунинг ҳам турли қирраларини мулоҳаза қилгандан сўнг ҳам суҳбатдошига меъёрида биттадан савол бермаслик томошабинни ҳам суҳбатдошни ҳам чалғитадиган ҳолатдир.

Дастурдаги деярли барча саволлар қўшалок ифода этилган, шунингдек, муаллиф респондентни бир марта таништириб кейин у ҳақда эслатма ҳам бермади. Бу жиҳатни эса дастурнинг деярли ҳамма сониди учратиш мумкин. Қўйида дастурда берилган қўшалок саволларни баён этиб, уларни изоҳлаб ўтамиз:

«-Кўрик-танловни муайян фанлар бўйича ўтказишдан кўзланган мақсад нимада ва «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» йўналиши бўйича дастлабки танлов ўз олдига қўйган вазифани нечоғли бажара олди?

- Ушбу кўрик танловга бўлган қизиқиш жойларда қандай? Умуман бундай тадбирлар педагог кадрлар учун нима беради?»¹

Муаллиф Зоир Қурбонов дастур аввалида танловнинг мақсадини баён этганди. Шунинг учун ҳам яна мақсад ҳақида сўраш мантиқсизлик. Бу ўринда моҳиятга чуқурроқ кириб борилгани маъқул. Саволнинг иккинчи қисмида эса услубий ғализлик бор. Бу ўринда фақат дастлабки танлов эмас, умуман бу тадбир ўз олдига қўйган вазифани нечоғли бажара олаётганлигини сўраш мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, танлов ўтказила бошлаганлигига кўп йиллар бўлган. Шу жиҳатдан унга дастлабки танлов дейиш нотўғри. Кейинги саволларга келсак, уларда сўзлар ноўрин қўлланилганлигини айтиб

¹ Интервью. – ЎзМТРК, 2011 йил, декабр

ўтиш жоиз. Масалан, «жойларда ушбу кўрик – танлов қандай ўтаяпти» дейилса жумла ифодалироқ бўларди.

Шу ўринда интервьюдаги журналист нутқига тўхталадиган бўлсак, у баъзан аниқ ва равон, айрим ҳолларда эса ҳаяжонланиб, бир оз тутилиброк гапиришини айтиб ўтиш керак.

Кўрсатувнинг маънавият, маданият ва глобаллашувга бағишланган сонида услубий ва мантикий хатоларга йўл қўйилган. Сухбатдош университет ўқитувчиси бўлгани боис интервьюер унга талабалар сингари домла деб мурожаат қилди. Ўзбек тилининг имловий луғатида эса «домла» сўзи мадрасадаги мударрис ёки имом хатибга нисбатан ишлатилиши кўрсатилган. Дастурда умумий фикрлар жуда кўп ифодаланган бўлиб, саволлар ҳам ўша-ўша қўшалок ва узун жумладан иборат. Мавзунинг энг муҳим жиҳатлари саволлар орқали очилган бўлса-да, лўндалик етишмайди, муаллифга.

«-Домла сир эмаски, бугунги глобаллашув жараёнига ахборот оламидаги янгиликлар ниқоби остида миллий урф-одат ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган ғоялар, қарашлар кириб келмоқда. Афсуски, айрим ғўр ва тажрибасиз ёшлар уларни «европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилишяпти. Айтингчи, бундай ҳолатлар миллатимиз келажагига қандай таъсир кўрсатади? Ёшларни бундай салбий таъсирлардан асраш учун нималарга эътибор бериш зарур?»¹

Бундай саволларни кўпчилик, аввало охиригача эшитиши, қолаверса эслаб қолиб равон жавоб бериши мушкул. Боиси, аввало мавзунинг долзарблиги бўлса, иккинчиси, бундай саволга ҳар бир жумлани теран мушоҳада қилиб, сўнг жавоб бериш ўринли саналади. Агар саволлар ушбу интервью мурожаати каби ифода этилса, унга тўлақонли, аниқ ва мазмунли жавоб олишга умид қилмаса ҳам бўлади. Шунингдек, муаллиф мавзуга одатда саволлар билан ёндашган. Унда томошабинни қизиқтирувчи фактлар, мавзуга оид воқеалар ривожининг тадрижи ҳамда тасвирлари йўқ,

¹ Интервью. // ЎЗМТРК, 2012, январ

гапларнинг аксарияти курук, умумий ва кўпчиликка, хусусан, ёшларга аҳамиятсиз. Боиси улар ахборот беришга хизмат қилмаяпти. Демак, бу интервью ахборий жанр сифатида ўз мақсадини оқламаган, агар уни бу ўринда таҳлил учун қўлланилган десак, таҳлил ҳам маромига, мақомига етмаган. Студияда ёзиб олишга мўлжалланган интервьюнинг давра суҳбати турига тааллуқли бўлган кўрсатувлардан яна бири «Ассалом, Ўзбекистон» дастуридир. Бу кўрсатув тез фурсатда тасвирга туширилиб, эфирга узатилиши билан фарқли бўлиб, ҳар куни унинг янги сони намоиш этилди. Бундай интервьюни бошқариш мураккаброқ бўлгани боис дастурда суҳбатларга навбату савол берилмай туриб, улар жавоб айтган ҳолатлари кузатилади. Интервьюер мавзу моҳиятини очишга қаратилган қатор саволларни бериб, ўз навбатида унинг энг муҳим жиҳатларига мутахассислар изоҳ беришини талаб қилса ҳам, кўп ҳолларда саволдан саволга ўтишда боғлиқлик йўқлиги кўринади.

«-Айни кунда республикамизда мева-сабзавотчилик ҳамда узумчилик бўйича 31 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Албатта бу жараённинг айни дамда қандай бораётгани ҳаммани қизиқтираётгани табиий. Келинг, кўрсатувимизда иштирок этаётган мутахассислар билан биргаликда шу мавзу ҳақида суҳбатлашсак».¹

Муаллифнинг ушбу нутқидан сўнг студияга мева-сабзавотчилик соҳасининг мутахассислари бу борада эълон қилинган Президент қарорини изоҳлашга ўтишди. Қарор юзасидан суҳбатдошларга ҳеч қандай савол берилмаганлиги, аввало, интервью учун нотабиий жараён, қолаверса респондентларга йўналиш берилмаслиги уларни мавзу борасида аниқ ва энг зарур маълумотларни баён этишдан йироқлаштиради. Дастурни эътибор билан кузатсангиз, у аудитория ва респондентлар ўртасида кўприк бўлишга ҳаракат қилса-да, интервьюни муносиб ташкил эта олмаган, шунингдек, муаллиф қўлида аниқ саволлар рўйхати йўқлиги ҳам яққол сезилади. Шу ўринда «Ойдин ҳаёт» ток-шоусининг бир сони ҳақида мулоҳаза юритамиз.

¹ Ассалом, Ўзбекистон.// ЎзМТРК, 2011. 15 феврал.

Мавзу: Ортиқча вазн ортиқчами?

Дастурни кузата бориб унинг муаллифлари ҳар бир мавзу бўйича анча изланганликларини сезиш қийин эмас. Боиси, 50 дақиқалик савол-жавоб, баҳс-мунозара тугагунича бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш билан бир қаторда янги, ўзига хос маълумотларга эга бўлади. Демак, интервью ўз вазифасини бажаряпти. Бир нафасда бир неча саволлар бериш ушбу шоу интервьюерларига ҳам хос бўлиб, уларнинг саволи қисқа ва лўндалиги қўшалок эканлигини «ювиб» кетади.

«- Шундай тўлалик керакмикан?»¹

Суҳбатдош мавзудан четлашиши билан унинг фикрни ўша заҳотиёк бўлиб, уни мавзуга йўналтириш бўйича ҳам бу журналистларнинг малакаси катта. Бироқ амалдан келишилган сценарийга кўра, аввало, бир-бирларига, сўнг суҳбатдошлару, томошабинларга ҳам сўз саволлардан ҳоли эмас. Лекин унинг шижоат ва тезлик билан, хилма-хил фикрлар асосида кечиши кузатувчиларни интервью жанрининг хусусиятларини текшириб боришдан бир оз бўлса-да чалғитади. Интервьюни қурол қилиб олган ахборотлар беришларини ҳам бу ўринда билафонликка эмас, суҳбатдошни йўналтиришга йўйсак маъқул бўларди.

Телеинтервьюернинг гўзал намунаси «Бахт формуласи» кўрсатувида десак фикримизга қўшилсангиз керак. Муаллифнинг саволлари-ю, бу борадаги респондент қарашлари яхлит бир композиция бўлиб, интервью суҳбатдош шахсини очишга қаратилади. Лекин бу дастурни очерк дейиш хато бўларди. Боиси, суҳбат моҳиятан айнан савол-жавобдан иборат бўлиб, у айрим қўшимча унсурлар, ҳаётий чизгилар билангина бойитилади.

«- Буржларга ишонасизми? Астрология фанини инкор этасизми, йўқми, аммо инсоннинг феъл-атвориға қараб қайси буржга тааллуқли эканлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бугунги қаҳрамонимизнинг ортидан эмас, юзига гапириши, чўрткесарлиги, тўғри сўзлиги ва озгина қайсарлигидан олов буржи остида туғилганлигини тезда пайқаб олдим.

¹ Ойдин ҳаёт. // УзМТРК, 2011, ноябр

Навоийшунос олим, тасаввуф илмининг тадқиқотчиларидан бири Иброҳим Ҳаққулов билан бугун биз ҳаёт ҳақида гапирамиз. Қайсарлик. Мана шу хусусият керакмикан ўзи?»¹

Муаллиф матнида ҳам савол, ҳам чуқур фалсафий фикр шунинг баробарида суҳбатдоши учун йўналиш, эркин фикр билдириш шароити ҳозирланган. Бунда интервьюер суҳбат учун самимий муҳит ташкил эта олганлигини респондентлари «очиқ», яйраб, бутун вужуди билан гапиришидан англаш қийин эмас. Энг муҳими, журналист ўзининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ақлли фикрлар билан содда ва раво ифодаланганлигидадир. Гарчи муаллифнинг 3 ёки 4 жумласи савол билан ифодаланса-да, улар бир-бирини тақозо этиб, фикрни кучайтириб, тўлдириб бораётганлигини томошабин илғай олади. «- Ким ҳаётда қайғурмаган дейсиз? Ҳаётда қайғурмаган, дард нималигини билмаган инсон бировнинг дардига малҳам топа оладими? Ёки меҳр кўрсата оладими?...»²

Муаллифнинг ҳар бир саволи ўзига хос, аниқ фикр ва мақсадни ифодалаган бўлиб, бунда интервьюер савол беришни санъат даражасига кўтарган десак фикримизга қўшилсангиз керак. Демак, интервьюерлар сўз устаси ва юксак маданият соҳиби бўлишлари даркор. Интервьюер интервьюга ахборий восита деб ёндашадими, ё таҳлил учун муҳим қурол дебми муҳими респондентнинг қўнглига йўл топа олса бўлгани.

Тележурналист эса интервью жараёнида журналистикага оид қонун-қоидалар ва меъёрларга амал қилишдан ташқари, касбий одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам риоя этиши, суҳбатдоши давлат арбоби, тадбиркор ёки оддий бир киши бўлишидан қатъий назар бирдек ҳурматни ифодалаши, унга, унинг фикрига ҳамиша эътиборли бўлиши, сергаплик каби қусурлардан ҳоли интервью тайёрлаши лозим. Интервью сифатини оширишда журналист кадрларни ихтисослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шундай

¹ Бахт формуласи. // ЎзМТРК, 2011, август

² Бахт формуласи. // ЎзМТРК, 2011, август

йўлга қўйилса, интервьюер респондентдан эмас, балки мутахассисдан интервью олади.

III БОБ. МАТБУОТ ИНТЕРВЬЮЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Матбуот интервьюси журналистдан касбий маҳорат, ёзувчилик, ижодкорлик, мавзу ҳамда суҳбатдош танлай билиш, қай шаклда ва мазмунда бўлишини ҳам айтиб ўтдик.

Ҳар бир журналистдан ҳар бир жанр вазифаси имкониятларини англаш ҳамда уларга ижодий ёндашиш талаб қилинади. Бу эса журналист маҳоратидан далолат беради. Интервью олаётган журналист ўзининг салоҳияти, таҳририятнинг йўналиши, суҳбатдошнинг мавқеи, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолада материал тайёрлаши талабга жавоб беради. Бундай материалларни бугунги кунда матбуотда кўплаб учратиш мумкин. Масалан, “Шифо-инфо” газетасида эълон қилиб борилаётган интервьюларнинг аксарияти талаб даражасида. Унда муаллифлар газетанинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай инсонлардан интервью оладилар. Масалан, газетанинг 2013 йил 9-15 май 9-сонида эълон қилинган журналист Севара Абдуллаеванинг “Оловли йиллар хотираси ёхуд уруш кечган инсон билан суҳбат” номли интервьюси ўқувчини бефарқ қолдирмаслиги табиий. Ушбу материал Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, доцент Анвар ота Шомақсудовдан интервью олиш орқали яратилган. Унда муаллиф саволларни мантикий кетма-кетликда, ўзига хос туза олган ва мукамал материал тайёрлашга муваффақ бўлган. Масалан, **“- Анвар ота, инсон хотиралар билан яшайди. Хоҳлаймизми-йўқми, кўнгилсиз хотираларни ҳам ёдга олишимизга тўғри келади. Агар сизга малол келмаса, уруш йилларидаги хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.”** Бунда журналистнинг муомала маданияти, нуруний инсонларга “ботмайдиган қилиб гапириш”ини кўриш мумкин. **“- Анвар ота, менимча, қўлингиздаги жароҳат урушнинг асорати бўлса керак?”** Агар журналист “Нега бир қўлингиз йўқ?” деб савол берса, бу қаҳрамонимизга оғир ботиши мумкин эди. Журналистнинг муомала одоби, яъни “кимга қанақа гапириш кераклиги”

шу ўринда яққол намоён бўлган. **“- Менимча, урушнинг салбий асоратларидан сўнг ҳаётни қувонч билан қарши олиш ва унга катта умидлар билан қараш иродали инсонларгагина насиб қилса керак...”** Журналист саволларни аниқ сўроқ гаплар билан эмас, мулоҳаза тарзида бериши унинг ким билан суҳбат қилаётганлигини эътиборга олаётганлигидан далолат беради. **“- Сизни шу ёшда ва шу кўринишда кўрган инсон ҳавас қилиши турган гап. Бардам, кўркам ва дилкаш инсонсиз. Бунинг ўзига яраша сирлари борми?”** Суҳбатдоши ҳақида самимий фикрлар эътироф этилиши, газетанинг йўналишидан келиб чиққан тарзда савол берилиши ҳам материални мукаммаллаштирган. Муаллиф самимий тилаклари билан суҳбатга якун ясайди: **“ - Самимий суҳбатингиз учун сизга катта раҳмат. Сизга тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб юриш насиб этсин. ”** Охирида суҳбатдошнинг ёзган шеърдан парча келтирилади. Бундай ҳол ва сарлавҳада қаҳрамоннинг китоби номидан олинган жумлалардан фойдаланиш материалнинг ўзига хослигини таъминлаган. Журналист тил воситаларидан ўринли фойдалана олган ва ўз услубини яратган. Интервьюёр шундай саволлар бериши керакки, оз савол билан керакли ва ўринли маълумотларни ола олсин. Нутқидаги “менимча”, деб фикр ифодалаш “Анвар ота” каби мурожаатлари ўринли, грамматик жиҳатдан жумлалар тўғри. Газета йўналишидан келиб чиққан ҳолда қаҳрамоннинг “узоқ умр кўриш сирлари”га эътибор қаратилиши “Шифо-инфо” газетаси мухлислари учун аниқ муддао бўлиши табиий. Бу ерда шунга эришилган. Адабий тил меъёрларига, нутқ одобига тўлиқ риоя қилинган. Қаҳрамоннинг нутқидаги ўзига хосликлар, таъсирчанлик ва нутқ маданиятига риоя қилиш ҳолларига эришишда эса газета муҳаррирларининг ҳам хизматлари кўриниб турибди.

Умумун олганда, ушбу газетада бериладиган материаллар соғлом турмушни тарғиб қилиш нуқтаи назаридан ёритилади. Масалан, 2013 йил 2-8 май сонидан эълон қилинган чет тили ўқитувчиси Гулноза Эгамбердиева билан суҳбатда ҳам мана шундай ёндашувни кўришимиз мумкин. Ушбу материал “Бола зеҳни тил ўрганиш орқали чархланади” деб номланиб,

журналист Хулкар Мамитова томонидан тайёрланган. Бунда ҳам саволлар ўринли ва мантиқий кетма-кетликда берилган ва асосий мавзу очиб берилишига эришилган. Лекин баъзи саволларнинг чўзилиб кетиши, журналистнинг ўзи савол бериб ўзи жавоб бераётгандек бўлишига олиб келган. Масалан, “- **Айтишларича, кўп тил биладиган инсонларнинг мия тузилишлари бошқаларникидан ажралиб тураркан. Тил билиш миянинг фаолиятига, ишлаш тизимига ҳам таъсир қилса керак?**” Бу ерда журналист олдин ўзи саволнинг жавобини айтиб, сўнг савол берапти. “Тураркан”, эмас “турар экан” дейилса тўғри бўлар эди. “- **Кўпчилик фарзандлари чет тилини ўрганишини исташади. Лекин болалар қизиқувчан бўлса-да, баъзилари тил ўрганишни истамасликлари мумкин. Шундай вазиятларда болада тил ўрганиш қобилиятини, истагини шакллантириш учун нималарга эътибор беришимиз керак?**” Ушбу саволда баъзи лисоний ғализликлар бўлганлиги учун уни тушуниш қийин. “**Кўпчилик фарзандлари чет тилини ўрганишини исташади.**” Бу ерда **фарзандлари** сўзи кўпликда, **ўрганиши** бирликда берилиши, келишик кўшимчаларининг ноўрин қўлланилиши услубий хато келтириб чиқарган. “**Кўпчилик фарзандларининг чет тили ўрганишларини исташади.**” дейиш тўғри бўлар эди. “**Лекин болалар қизиқувчан бўлса-да, баъзилари тил ўрганишни истамасликлари мумкин. Шундай вазиятларда болада тил ўрганиш қобилиятини, истагини шакллантириш учун нималарга эътибор беришимиз керак?**” жумласида мантиқ бузилган. Қизиқувча бола тил ўрганишни истамаслиги мумкин эмас. “**Баъзи болалар тил ўрганишга қизиқмасликлари мумкин.**” дейиш лозим эди. “**Шундай вазиятларда болада тил ўрганиш қобилиятини, истагини шакллантириш учун нималарга эътибор беришимиз керак?**” Бу ерда истаги шаклланмайди юзага келтирилади дейиш керак эди: “**Шундай вазиятларда болада тил ўрганиш истагини юзага келтириш, қобилиятини шакллантириш учун нималарга эътибор беришимиз керак?**” дейилса тўғри бўларди.

“- Ҳозирги кунда чет тилларини, хусусан, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш жуда юқори. Айримлар ҳали мактабга ҳам чиқмаган ёки бошланғич синфда ўқийдиган фарзандларини бирданига икки-учта тилни билишга жалб этаяпти. Фарзандларимиз қанча кўп тил билса, шунча яхши, албатта. Аммо, ҳали ўйинқароқ болажон учун бу юк оғирлик қилмасмикин?” Ушбу савол жуда чўзилиб кетган: **“Ёш болалар учун икки-уч тилни ўрганиш оғирлик қилмасмикан?”** дейилса ҳам бўлар эди.

Яна қуйида мисолларга мурожаат этсак: Тасдиқ, **«ҳа ёки йўқ»** деб жавоб берувчи саволлардан интервью жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ва бундай савол мавзунини очиб бера олмаслигини журналистика назарияси эътироф этиб, амалиёти тасдиқлаган бўлса-да, ҳали ҳам журналистлар **«шундай эмасми?»**, **«Фикримизга қўшилсангиз керак:»** қабилидаги саволлардан воз кечишмаган.

-Масалан, «Соғлом авлод» газетасининг 2012 йил сентябрь сонида «Камдан-кам вилоятлар Қашқадарё сингари, сизга аталган шифо» номли мақолада интервьюер респондентга қуйидагича мурожаат этаяпти.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февралда қабул қилинган ««Она ва бола» Давлат дастури оналар ва болалар йилининг мазмун-моҳиятини янада барқарорлаштирди. Шундай эмасми? Агарда савол «Она ва бола» Давлат дастури Оналар ва болалар йилининг мақсадини қанчалик давом эттирди?» - деб, берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, йилнинг мазмун моҳияти қабул қилинаётган дастурлар билан эмас, балки аҳолининг фаровон турмуши билан белгиланади. Энди мазкур суҳбатнинг навбатдаги саволига эътибор қаратсак.

- Республикамизда истиқбол йилларида бошқа соҳаларга бўлгани каби, соғлиқни сақлаш ишларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Президентимизнинг машҳур «Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан «Қашқадарё вилоятида қандай ижобий ишлар амалга оширилди?» бу саволнинг биринчи

қисмини олиб ташласа ҳам маъно аслидагидек қолади. Иккинчи гапда баён этилган машҳур сўзи эса ўз ўрнида қўлланилмаган. Яъни бу гапда унинг умуман «салмоғи» йўқ. Худди шу материалдаги яна бир саволга эътибор қаратишни жоиз деб топдик.

- Ҳар қандай ютуқ - юксалиш ортида инсон, яъни унинг ижодкори туради. Шу маънода вилоят соғлиқни сақлаш тизимида юз бераётган ўзгаришларнинг жонкуяридан кимларни алоҳида таъкидлаб ўтасиз? Мазкур савол керагидан ортиқ бўёқдордир. Уни қисқагина қилиб «Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг фаоллари кимлар?» - дейиш мумкин эди. Биринчи жумладаги *ортида* сўзи эса моҳиятан хато қўлланилган бўлиб, уни *замирида* сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

«Умуман олганда, матбуот интервьюларини такрор ва такрор қайта ишлаб, ихчам, содда ва тушунарли шаклга келтириш ҳар бир матбуотчи журналистнинг вазифасидир. Шу жиҳатдан, интервьюнинг бу тарзда эълон қилиниши унинг муаллифи саводининг юқори эмаслиги, газета масъул муҳаррирларининг эса малакасизлиги ёки эътиборсизлиги натижасидир»³.

Матбуот интервьюсига жонли ифода, жараёнлилик хос бўлмаганлиги боис яна бир савол деб мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ. Шу нашрнинг 1 март сонидида эълон қилинган «У бошқа дунё эди» мақоласида эса журналист битта савол бериш учун олти саволу жавобдан иборат жумлани баён этган.

- «Актёрнинг юраги иккита бўлади ва бир юрагини сахна учун сақлаб қўяди, агар шундай қилмас экан, у ҳақиқий актёр эмас, у халқни алдайди» - деган эдингиз аввалги суҳбатлашганимизда. Энди бир савол, бир спектакль сахнада юз марталаб қўйилади. Уларнинг кўпчилигида ошиқ ва маъшуқа образлари бўлиши табиий. Демак, ўша образларни яратаётган актёрлар юз марталаб юракдан ошиқ ва маъшуқага айланиши талаб этилади. Бу уларнинг шахсий ҳаётига таъсир қилмайдими, яъни сахнадаги муҳаббат ҳаётини муҳаббатга айланиб кетган ҳоллари ҳам учраб турадими?

³ Эрик Фихтилиус. Журналистиканинг ўн қоидаси. — Т.: Шарқ, 2002. — 108 б.

- Бу савол «Саҳнадаги ошиқ ва маъшуқа образларини ҳаётий муҳаббатга айланган ҳолатлар ҳам бўладими?» - деб қисқагина, тушунарли ифода қилингани маъқул. Шу билан бирга саволдаги баъзи ўринлар суҳбатдош тилидан баён этилганда қизиқарлироқ чиқарди. Бунда журналист ўзига табиатан ато этилган «ижодчилик неъматидан» фойдалана олмаганлиги яққол акс этиб турибди. Боиси, олти жумланинг ҳар қайсисида услубий ва мантикий хатоларга йўл қўйилган.

“Гулчехралар” газетаси ҳам республикамиздаги аёлларнинг фаолиятига оид мавзулардаги материаллари билан ўз ўрнига эга.

Масалан, газетанинг бу йилги сонларидан бирида “Кун тартибида: ижтимоий фаоллик, тиббий муҳофаза, маънавий тарбия” сарлавҳали материал берилган. Унда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтгани хусусидаги ахбороти берилган.

“... Дарҳақиқат, бугун аёлнинг фаолият майдони кенгайди. У сиёсатишунос, тадбиркор, фермер... Инсон ўзи яшаётган муҳит, ўзи қилиётган ишнинг бир қисмига айланади. Демак, истиқлол аёлига яратилаётган имкониятлар уни маънавий жиҳатдан юксалтирмоқда. Аёл ўз зиммасидаги вазифани адо этар экан, касбий маҳоратини оширмоқда. Жамиятдаги ислохотлар ичига чуқурроқ кириб борар экан, ундаги ташаббускорлик руҳи кучаймоқда...”⁴ Мавзу долзарб, аммо уни ўқувчига етказиб беришда журналистнинг матний маҳорати етишмаган. Биргина абзацнинг ўзида услубий хатолар бор. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғланмаган.

Материалнинг кириш қисмида ахборот жанрига оид бўлмаган унсурлар ўз аксини топган:

“Аёл минг бир ришталар билан фарзандлари, оиласи, яқинларига боғланган бўлади. Демак, аёлга эътибор жамиятга эътибордир. Истиқлол

⁴ Кун тартибида: ижтимоий фаоллик, тиббий муҳофаза, маънавий тарбия //Гулчехралар, 2013. 12 апрель. -3-б.

аёлининг ҳар бир кунини, орзу-мақсадлари, интилишлари ҳаминча Президентимиз, ҳукуратимиз назарида турибди. Шиддат билан амалиётга айланаётган Фармон, қарорлар марказига ҳам аёл ташаббуси, аёл тақдири чиққани бежиз эмас.

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати иштирокчилари ҳам мазкур фикрларга алоҳида урғу бердилар.*⁵ Кўриниб турибдики, материал матнида кераксиз, умумий жумлалар кўп. Уни қисқа, лўнда қилиб, кенгайтирилган хабар шаклида берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

“Газета матнининг мукаммал, беҳато ва равон бўлиши учун журналистдан жуда катта маҳорат, билим, кўникма, зийраклик, материалларнинг ижтимоий-мафкуравий, маданий-ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиш малакаси, фикрни ёзма билдириш малакаси талаб этилади. Бунинг учун журналист адабий тил меъёрлари, жумла тузиш, фикрни ёзма билдириш маҳоратига эга бўлиши лозим. Матнининг таркибий қисмлари ва унсурлари орасидаги уйғун боғланиш ва изчиллик, мазмуний ва мантиқий тугаллик, уларнинг шаклий яхлитлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим”⁶

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир жанр вазифаси ва имкониятларини англаш ҳамда уларга ижодий ёндашиш оммавий ахборот самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муаллиф Замира Рўзиеванинг “Ойдин бекат” рукни остида “Дехқон ҳаётидан бир лавҳа” сарлавҳали суҳбати эълон қилинган. Ушбу суҳбат “2013 – Обод турмуш йили”га бағишланган. Суҳбат қаҳрамони Муяссархон Болтабоева. У Олтинкўл тумани Маслаҳат қишлоғидаги “Маслаҳат

⁵ Кун тартибида: ижтимоий фаоллик, тиббий муҳофаза, маънавий тарбия //Гулчехралар, 2013. 12 апрель. 3-б.

⁶ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006. -218-б.

гулшани” фермер хўжалиги раҳбари. Муаллиф суҳбат жараёнида реципиентга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

“Фермер хўжалиги ташиқил этишида чўчимадингизми? Ахир, анча масъулиятли иш бу.”, *“Ўзбек ҳамма яхши ишлари оиладан бошланади. Шу боис юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, оилавий фаровонлик ҳамманинг истагига айланган. Сиз эса яшаш уйингизни шийпонга кўчириб олибсиз. Бунинг сабаби нимада?”*.⁷

Журналист қаҳрамонни суҳбатга тортишдан олдин материалнинг лид қисмида унга чиройли таъриф берган, феъл-атвори, фазилатларини бир-икки жумла орқали ифода этган:

“Камтар, дилкаш бу аёлнинг ҳавас қилгулик фазилатлари кўп. Уйини, томорқасини гуллатиб-яшната оладиган бека. Уч фарзандни тарбиялаб, элга қўшган она. Ҳазил-ҳузулни, дилтортар қўшиққа яйраб рақс тушишини ёқтирадиган даврадош дўст”.⁸

Муаллиф суҳбатдошига савол беришдан аввал ҳаётига бир назар ташлаб, фермерлик соҳасига қўйган илк қадамлари ҳақида фикр юритади:

“У қирқ йиллик оддийгина деҳқон. Қуёшнинг тафтини, ёмғирнинг ёрдамини, фаслларнинг гоҳида саховату гоҳида инжиқлигини даладаги тупроқ қандай ҳис қилса Муяссар опанинг юраги ҳам шундай сезади. Она аввал бошида ҳисобчиликка ўқиганди. Қишлоқда яшаб, ер билан тиллашмаса, ярашмайди. Шундан бўлса, ерга меҳр қўйиш унга ҳам юққан.

Йиллар ўта борди. Муяссархон Болтабоева чинакам пахтакор, деҳқон бўлгани сари бу соҳа ихлосмандига ҳам илм зарурлигини сизди. Шунда қирқ ёшга етган эди. Бу хулосасини иккиланиб турмуш ўртоғи Азимжон акага айтганда, у тўғри тушунди:

- Эзгу ишининг кечи йўқ. Ўқисангиз ёмон бўлмайди. Қўлимдан келганча ёрдам бераман. Наргиза қизимиз аллақачон уйнинг дастёри бўлиб

⁷ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчехралар, 2013. 12 апрель.

⁸ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчехралар, 2013. 12 апрель.

қолди. Укалари ҳам унга ёрдамчи. Аммо институтда ўқиш учун фақат шароитгина эмас, кўпроқ қунт, меҳнат керак бўлади. Ўзингизда шундай куч топа олсангиз, мен розиман, - деди.

Муяссар опа ирода ҳам, қунт ҳам топди. Меҳнатдан қочмади, изланишдан эринмади. Собиқ Тошкент қишлоқ хўжалик институтини агрономчилик соҳаси бўйича муваффақиятли тамомлади...

- ...Устозим - болаларимнинг отаси – Азимжон Болтабоев эканини айтаман... Деҳқон дегани далада ер чопишу пахта теришгина эмас, ўзига хос илм, тажриба ва шунча фидойилик эканини шу устозим уқтирганда... ”⁹.

Кейинги берилган саволга реципиент фермерлик фаолиятига тўхталиб ўтган:

“ - ...Ахир, фермер хўжалигимизнинг 4 бош қорамол, 10 та курка, 15 та ўрдак, 20 та товуқ, 50 уя асалариси шу шийпонда боқилади-да. Уларни парваришлаш, кўз-қулоқ бўлиш керак. Дадаси жонсараклик қилиб, баъзан шийпонда тунаб қоларди. У кишини қийнаб қўймайлик, деб ўғилларимиз икки хонали уй қуриб беришди. Мен ҳам кўчиб ўта қолдим. Сафдош, фикрдош одамимнинг ёнида бўлай, дедим. Бу бизнинг мавсумий қўналғамиз бўлди. Ҳовлимиз сиз тасаввур қилгандай фаровон. Ҳамма шароитлар бор. У ерда келинларим қолишди. Ҳеч бир хавотирим йўқ. ”¹⁰

Журналист суҳбатдошининг фаолиятига оид фактлар, далилларни келтирган:

“... Йил якунларидаги ютуқларига кўра, “Дамас” автомашинасини мукофотга беришди. Рағбат уларнинг меҳнатга иштиёқини янада оширди. 35 нафар аъзодан иборат бўлган фермер хўжалиги мана 5 йилдирки, пахта ва галладан баракали хирмон кўтариб келади. Муяссар опанинг ўзидай

⁹ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчехралар, 2013, 12 апрель.

¹⁰ Шу манба.

фидойи деҳқонлар – механизатор Мамадали Исоқов, сувчи Муталлибжон Боқиев, ишчилар Замирахон Маннопова, Зухра Ўрмонова, Нодира Қамбароваларнинг ҳаммаси катта бир оилага айланишган. Ўтган йили улар 37,5 гектар майдондан 40 центнердан пахта, 28 гектар буғдойзордан 60 центнердан дон олишди. Юқори ҳосил эвазига ажратилган 1 гектар ерга сабзавот экиб, ўзлари қарашди. Шийпоннинг ёнидаги 10 сотих жойга 100 туп олма кўчати ўтқазилган эди, унинг ёнига бу йил 50 туп узум ҳам қўйишди.

...Хўжалик 3 йил бурун битта чопиқ трактори сотиб олагнди. 2012 йилги даромаддан лизинг асосида ТТЗ-80 тиркамалитракторига буюртма беришди. Яна битта “Дамас” автомашинаси мукофотига ҳам эга бўлишди...”¹¹

Журналистнинг бу материали ҳисоботга ўхшайди. Факт ва рақамларни ҳисобот шаклида берган. Аксинча, реципиентнинг фикрларини ўз сўзи билан ифодалаганда, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу материалда ҳисобот жанрининг элементлари яққол кўриниб турибди. Ўқувчида ахборотни осон ўқилишига ҳалақит бериб, зерикишига имкон яратади. Кўпроқ содда гаплардан фойдаланиши лозим.

Умуман айтганда, “журналист ахборот тўплашда ҳам, ахборотни узатишда ҳам мулоқот вазиятини тез ва тўғри белгилай олиши лозим. Бу ахборот манбаига (суҳбатдошларга) мурожаат этиш, савол бериш, вазиятга мувофиқлашиши амалларида янглишмаслик учун ёрдам беради.”¹²

Айнан шу газетанинг феврал ойидаги сониди Маърифат Абдуҳамидованинг “Спорт – ёшлик эликсири” сарлавҳали мақола берилган Ушбу мақола спортнинг баскетбол бўйича мураббийи Шоира Нарзиеванинг фаолиятига бағишланган. Журналист мақоланинг лид қисмида спортнинг

¹¹ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчеҳралар, 2013, 12 апрель.

¹² Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006. -115-б.

танамизга, руҳимизга қанчалик ижобий таъсир қилиши, материал қаҳрамони Шоира Нарзиеванинг “Дўстлик” ордени билан мукофотлангани хусусидаги ахборотни келтирган. У Бухоро вилояти Пешку тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлашва ташкил этиш бўлимида жисмоний тарбия фани ўқитувчи ва мураббийларининг услубшуноси сифатида ёш педагог кадрларга соҳа сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Журналист Маърифат Абдуҳамидова ана шу фикрларни давом эттирган ҳолда қуйидагиларни таъкидлади:

“...Чехрасида ҳаёт завқи уфуриб турган бу аёл барча оналардек қора кўзларининг умидли эртасини кўриш орзуманди. Фарзандлари дилора ва Учқунжон талабалик масъулияти билан банд бўлишса-да, болаликдан одат тусига кирган кун тартибига амал қилишади. Жисмоний тарбия билан шуғулланганларга омад кулиб боқади. Шоира она бекалик қилаётган хонадон шиори бу...”¹³

Материал матнида журналист тасвирий-таъсирчан воситалар, ранг-баранг ифодалардан фойдаланган. Бу муаллифнинг сўз бойлиги имконияти кенглигидан далолатдир.

“... Бир донишманддан ҳаётингиздаги энг қиммат нарса нима деб сўрашганда, танимизга дармон, кўзларимизга нур бағишловчи саломатлигимиз энг қиммат ва омонат бойлигимиздир, дея жавоб берган экан. Бу бойликни асраб-авайлашда Шоира она Нарзиева каби мураббийларимизнинг меҳнатлари беқиёс.”¹⁴

Мулоқот киришиш учун журналистдан талаб қилинадиган бирламчи хусусият унинг билимдонлигидир. Журналистик мулоқотнинг асосини билим ташкил этади. Лекин бу мулоқот жараёнида ўзининг қанчалик билимдон эканлигини намоиш этиш дегани эмас. Балки мулоқотнинг

¹³ Абдуҳамидова Ш. Спорт – ёшлик эликсири // Гулчехралар, 2013. 15 февраль.

¹⁴ Шу манба.

канчалик самарали бўлиши учун ҳозирлик кўриш, тайёрланиш, унга зарур маълумотларни ўзлаштиришдир. Биринчи навбатда, суҳбатдоши ҳақидаги умумий ва шахсий маълумотларга эга бўлиши, унинг шахс сифатидаги таржимаи ҳоли билан танишиб чиқиши, ижтимоий фаолияти, қолаверса. кизиқишлари, шуғулланадиган машғулоти, характери, табиати, ҳатто суҳбатлашиш услубига билиши зарур. Буларни билишдан мақсад суҳбат жараёнида бу ҳақда суҳбатдошни огоҳлантириш ёки уни хабардор қилиш эмас, балки суҳбатнинг қандай кечишини олдиндан таъминлашдир.

Ана шундай жанрдаги материал «Саодат» журнали саҳифаларидан жой олган «Ютуқлар, муаммолар» рукни остида «Изладик, имкон топдик» сарлавҳали суҳбати берилган. Ушбу материалда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Хадича Ибодуллаева билан суҳбат уюштирилган. Суҳбат олдин журналист лид сифатида реципентнинг ҳаётидан олинган бир манзарани баён этади.

«Хадича Ибодуллаева шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушганида, ўчоқбоши, дала орасида чопиб юрган келинчакларни кўриб, эри Шарифбой акага:

- Мен бунақа меҳнатга чидамасам керак. Шаҳарга кўчиб кетайлик, э деган эди.

Орадан йиллар ўтди. Шарифбой Ибрагимов замон зайли билан бугун фермер бўлди. Пахта, бугдой экди. Эркабой, Қамариддин, Жалолиддин ўғиллари ота қанотига кирди. Оила келинлар олиб, набиралар кўрди.

- Онаси, энди шаҳарингги кета қоламизми? - ҳазил қилади Шарифбой ака баъзан.

- Тупроқ, майса ҳидига, кенгликларга ўргандим, энди шаҳарга сигармидим? – дейди Хадича Ибодуллаева»¹⁵

Айнан шу парчани ўқиб чиққан ҳар бир ўқувчида суҳбатдошнинг ички кечинмалари, ўз она-Ватанига бўлган муҳаббати яққол кўринади.

¹⁵ Юнусова Қ. Изладик, имкон топдик. //Саодат, 2012. 7-8-сон.

Материалнинг асосий қисми – суҳбат ҳақида фикр билдирсак. Суҳбат уч саволдан иборат бўлиб, ҳар бир берилган савол хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрни, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёл-қизларимизни ўйлантираётган муаммоларга тааллуқли. Саволлар мазмун жиҳатдан мантиқан бир-бирига боғланган ва бир-бирини тўлдирган. Суҳбатдошнинг жавоблари ўқувчига тушунарли ва раvon баён этилган. Материалдан олинган қуйидаги парчадан ҳам бунга амин бўламиз:

« - Мустақиллик йилларида аёл-қизларнинг оилада, жамиятда, фарзандлар тарбиясида беқиёс ўрни борлиги, уларни авайлаш кераклиги кўпинча ҳаётбаҳш ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Туман доирасидаги фаолиятингиз давомида қонунлар ижросига катта аҳамият берасиз, шундай эмасми?

- Мустақиллик йилларида хотин-қизлар масаласи, уларнинг саломатлиги, фарзандлар тарбиясига давлат аҳамиятидаги масалалардан бири деб қаралмоқда. Кейинги йилларда бизга дастуриламал сифатида тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг барчасида аёллар ўзларини англаши, ўзларини қадрлаши ва авайлашига даъват бор.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз ҳам аёлнинг оила ва жамиятда қадр топишига қаратилган...

- Ҳаётнинг ўзи турли қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги курашдан иборат. Қўмита раисаси сифатида бугун аёл-қизларимизни ўйлантираётган муаммолар нималарда деб ўйлайсиз?

- Барча мамлакатларга хос бўлган техниканинг ривожланиши туфайли компьютерлар орқали ёшларимиз онгига мумкин бўлганидан ҳам кўра кўпроқ ахборот қиряпти... Темир йўл ҳудудимиздан ўтади, Буюк ипак йўли қайта ишга тушаётганлиги бир жиҳатдан яхши бўлса, яна бир томондан баъзи муаммоларга сабаб бўлаётир. Баъзи сабрсиз аёл қизларимизнинг иш излаб чет элларга кетаётганлиги орқасида фарзандлар тарбияси оталар, бувиларга қолиб кетяпти. Баъзан уларнинг эътибордан четда қолган фарзандлари муаммо чиқаради. Ёки бўлмаса турли сабабларга

кўра ё отаси ёки отагонаси билан вақтинча бирга яшамаётган, тарбияси оғир болалар бизни ноқулай аҳволга солиб қўяди.»¹⁶

Журналистлар суҳбат жараёнини муваффақиятли чиқишини таъминлаши учун иккита специфик талабни яхши билиши керак. Журналистда ахборотга эга бўлган суҳбатдошни ўзига жалб қила олиш кўникмасининг борлиги бу – биринчи талаб. Иккинчиси, мулоқотга жиддий тайёргарлик кўриш. Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, журналист материалга ноодатий тарзда ёндашган, ўз услубига эгаллиги кўриниб турибди.

Журналист учун жамиятда ижтимоий мақомга эга бўлиш ўта кадрли. Бундан ташқари журналистнинг жамиятдаги мақомини белгиловчи ўзининг қонуниятлари бор. Қачонки журналист ўз касбини мукамал эгаллаб, ўзлаштира, ўзини унинг ҳақиқий эгаси деб ҳисобласа, у яна ҳам мураккаброқ фаолият йўли ва услубини танлайди. Шу ўринда журналист суҳбат жараёнида энг кўп қандай хатоларга йўл қўяди? Булар қуйидагилар:

кўп савол бериш ва эшитишни билмаслик;

олдиндан жавобини била туриб савол бериш;

ҳамма биладиган нарсалар ҳақида сўраш;

журналистнинг ўзи кўпроқ гапириши;

суҳбатдошнинг фикрини тез-тез бўлиши;

ўзини ўта билимдон тутиши;

кўпинча ёзмаслик;

берилган саволларда мантиқ, узвийликнинг йўқлиги.

¹⁶ Юнусова Қ. Изладик, имкон топдик. //Саодат, 2012. 7-8-сон.

Ана шундай хатолардан бири қуйидаги мисолда яққол кўринади. Журналист томонидан берилган учинчи савол бироз тушунарсиз ва мужмал. Кераксиз ифодалар, жумлалар келтирилган.

«- Кўпинча серташвиши кўринасиз, шошиб юрасиз, ўаҳарга туташ Уллибоғ, Кўна Тўрткўл қишлоқларидан то шаҳаргача икки соатлик йўлда жойлашган «Қизилқум», Кўкча, «Наврўз», Ёнбошқалъа овуллари ҳудудидаги аёллар, оилалар қувончига шериксиз, ташвишлари бир нафас ҳам тинч қўймаслиги аниқ. «Енгилмайдиган ёв йўқ, олинмайдиган дов йўқ» деган мақол бор қорақалпоқларда.»¹⁷.

Бизнингча, бу саволда мақол ноўрин келтирилган. «Кўпинча серташвиши кўринасиз, шошиб юрасиз» жумласи мантиқан нотўғри. Чунки ижтимоий фаол аёлнинг ташвиши кўплиги, шошиб юриши табиий ҳол.

Демак, мулоқотнинг психологик ўзига хосликларини билиш, журналистнинг ўз ишининг устаси ҳамда суҳбатга тайёрлик савиясини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

«Саодат» саҳифаларини кўздан кечирав эканмиз, суҳбат жанрига оид материаллар журналнинг барча сонларида учрайди. «Ўқитувчи халқ яратади» сарлавҳали материал берилган. Аввало, суҳбатнинг сарлавҳасига эътибор берган ҳолда, бир савол пайдо бўлади. «Ўқитувчини халқ яратади»ми ёки «Ўқитувчи халқни яратади»ми? Бундан кўриниб турибдики, сарлавҳанинг ўзидаёқ мужмаллик, ғализлик мавжуд. Мантиқан ёндашганда «ўқитувчи халқни яратади». «Сарлавҳа – ярим мақола» деб бежизга айтилмайди.

Суҳбат Навоий вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлғи Меҳринисо Пардаева билан бўлиб ўтган. «Саодат» журналидаги материалларни, хусусан, суҳбат жанридаги материалларни кузатар эканмиз, ҳар бир суҳбат бошланишидан аввал суҳбадошнинг шахсий ҳаётига оид маълумотлар берилган. Аммо бу ноодатий тарздаги суҳбатларни «Саодат»

¹⁷ Юнусова Қ.. Изладик, имкон топдик //Саодат, 2012. 7-8-сон.

журналига ўхшаш нашрларда, масалан, «Водий гавҳари» журнали, «Гулчехралар» газеталарида учратмаймиз. Бу ҳам «Саодат» журналининг ўзига хос хусусиятига, услубига эгалигидан далолатдир.

«Оилали, уч нафар фарзанди бор. Бўш вақтларида ошхона ишлари ва бичишгитикии юмушлари билан банд бўлишни ёқтиради.

Ҳаётдаги ишори: - Илми зўр мингни енгади.»¹⁸

Суҳбатнинг ҳар бир савол, иккинчисига мантиқий боғланиши талаб этиладиган аниқ тузилиши бор. Саволлар суҳбатнинг мавзуси, муҳити, муҳокама этиладиган муаммосидан келиб чиқиб белгиланади. Айнан шу тамойиллар бу суҳбатда ўз ўрнини топган. Журналист:

« -Меҳринисо Дониёровна, кейинги йилларда вилоятимиз халқ таълими тизимида фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами кенгаймоқда. Суҳбатимиз аввалида шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз, дегандик...

- «Обод турмуш йили» дея ном олган 2013 йилнинг дастлабки чораги ўтиб бормоқда. Вилоят ХТБнинг ушбу йўналишдаги фаолияти хусусида тўхталиб ўтсангиз...

- Муҳтарам Президентимизнинг 2012 йил 12 декабрда чиқарган «Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чорағтадбирлари тўғрисида»ги Қарори халқ таълими тизимида қандай акс-садо берди?

- Мамлакатимиз миқёсидаги устоз ижодкор ва забардаст педагог Турсуной Содиқованинг «Мураббий ким?» номли китобида шундай жумлалар бор. «...Ҳақиқий мураббий бўламан десангиз, бировга бир нарсани ўргатишни астойдил хоҳланг ва сиздан илм олувчига муҳаббат қўйинг! Ҳар бир ишингизга бемор боласига парвона бўлаётган онадай берилиб, фидойилик билан тутининг. Бунинг отини ИХЛОС дейдилар! Шу иштиёқ сизда қанча кучли бўлса, Тангри сизга шунча кўп уқув беради, мушуқлингизни осонлаштиради.» Ана шундай ихлос эгалари вилоятимиз устозлари сафида ҳам кўплаб топилади...

¹⁸ Умарова С. Ўқитувчи халқ яратади. // Саодат, 2013. 2-сон.

- Сиз нафақат вилояти миқёсидаги раҳбар, она ва бекасиз, масъулиятли иш ва рўзгор ташвиши биргалирига ҳалақит бермайдими?»¹⁹ каби саволлар билан мурожаат қилган. Эътибор берсангиз, саволлар мантикий изчилликда, фактик материаллардан унумли ва ўз ўрнида фойланган ҳолда берилган. Аммо бир нарсани таъкидлаш керакки, айрим саволларда лўндалик ва қисқалик етишмаяпти. Журналист суҳбатдошидан кўра кўпроқ ўзи сўзлаган.

Матбуот интервьюси журналистдан касбий маҳорат, ёзувчилик, ижодкорлик, мавзу ҳамда суҳбатдош танлай билиш шаклда ва мазмунда бўлиши лозим.

Суҳбат якуний қисмидаги охирги саволга суҳбатдошимиз тўғри ва аниқ жавоб берган. Лекин шу билан биргаликда биринчи саволга оид бўлган фикрларини ҳам кўришимиз мумкин. Албатта, бу ўринда журналист бунга ё безътибор бўлган, ёки материалларни қайта кўриб чиқмаган:

«... Бир оддий ўзбек аёли ўз оиласида нимаки иш қилса, мен ҳам шуни қиламан. Бунинг учун тунлардан ҳам самарали фойдаланман, уларни тўрт бўлиб уй ишига ҳам, фаолиятимга ҳам сарфлайман. Ҳатто кенжасойимга кийимлар тикиб беришнинг ҳам уддасидан чиқаман.

Яқинда мазкур соҳага доир яна бир хушхабарни эшитиб қолдик. 2012 йилги фаолият натижаларига кўра «Ўзбекистон маданияти ва санъати» Форуми жамғармаси томонидан эълон қилинган «Педагогик грант» дастурида қатнашган ўқитувчилардан 8 нафари голиб бўлиб, вилоят ХТБси бу борада ҳам республикада 1-ўринни эгаллабди...».²⁰

Журналист суҳбат олиб борар экан, албатта суҳбатдошини диққат билан тинглаши, иложи бўлса, ҳатто диктафонга ёзаётган бўлса ҳам конспект қилиши керак. Ана шундагина журналист юқоридаги каби хатоларга йўл қўймайди. «Умуман олганда, матбуот интервьюларини такрор ва такрор қайта ишлаб, ихчам, содда ва тушунарли шаклга келтириш ҳар бир

¹⁹ Умарова С. Ўқитувчи халқ яратади. // Саодат, 2013. 2-сон.

²⁰ Умарова С. Ўқитувчи халқ яратади. // Саодат, 2013. 2-сон.

матбуотчи журналистнинг вазифасидир. Шу жиҳатдан, интервьюнинг бу тарзда эълон қилиниши унинг муаллифи саводининг юқори эмаслиги, газета масъул муҳаррирларининг эса малакасизлиги ёки эътиборсизлиги натижасидир»²¹. Зеро, суҳбатнинг самарали кечиши журналистнинг маҳоратига боғлиқ.

Шу боисданми, кўпгина интервьюлар суҳбат-монолог тарзида берилган. Мутахассислар таъкидлаганидек, бундай усул ҳаётдаги бирорта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ёки бирор муаммони ёритишда жуда қўл келади²². Чунончи, журналда эълон қилинган “Хонадон чироғи”²³ интервьюси фикримизга мисол бўла олади.

Интервью Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муносабати билан тайёрланган.

Мазкур интервьюда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова журналистнинг бир қадар оригинал, бошқа суҳбатларда бериладиган анъанавий саволлардан анча фарқ қиладиган сўроқларига эркин ва ишонарли тарзда жавоб қайтаради. Буни қуйидаги иқтибосдан ҳам билса бўлади. *“Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фақат фаол аёллар билан эмас, ҳар бир оила, хонадондаги муҳит билан яқиндан танишишга, уларнинг ташвиш ва қувончларидан хабардор бўлишга, халқчил бир жамоат ташкилоти сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда жойларда фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳалла шифокорлари билан биргаликда оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, опасингилларимизнинг иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, фарзандларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусида*

²¹ Эрик Фихтилиус. Журналистиканинг ўн қоидаси. –Т.: Шарқ, 2002. -108- б.

²² Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.:Тафаккур, 2010.- 159-б.

²³ Раҳимбоева Қ. Хонадон чироғи //Саодат, 2012. 5-6 сон.

тарбиялаш, айниқса, ёш қизларимизнинг саломатлигини ҳар тиомонлама яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар”²⁴

Журналист интервью сўнгида суҳбатдошининг куйидаги таъсирчан сўзларини келтиради: “Ўз тақдирим мисолида айтадиган бўлсам, шу қизгин фаолият мени она шахрим Фарғонадан Тошкентга олиб келди. Мустақил юрт фарзанди сифатида хорижий мамлакатларга бордим, бошқа мамлакатлар хотин-қизлари ҳаёти билан танишдим. Ўзимизнинг шахру кишлоқларимиздаги фидойи аёллар ҳаёти билан уларни қиёсладим. Катта-катта ташкилотларни, фермер хўжаликларини бошқараётган моҳир тадбиркор опа-сингилларимиз истиқлол даврида улғайди, кадрини англади ва ёрқин шахслар сифатида жамият майдонига чиқишди ва улар бугунги давр аёлининг асл қиёфасини яратишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар”.²⁵

“Саодат” журналининг 5-6-сонларида мана шу масалаларни ўзида акс эттирган материаллар берилган. Ана шундан материаллардан Қутлибеканинг “Миллат онага қараб қад ростлайди” сарлавҳали интервьюсидир. Мазкур интервьюда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси Светлана Ортиқова журналистнинг бир қадар оригинал, бошқа суҳбатларда бериладиган анъанавий саволлардан анча фарқ қиладиган сўроқларига эркин ва ишонарли тарзда жавоб қайтаради:

“... – Аёлнинг бирламчи вазифаси оналик, бекалик. Бу ҳам табиат қонуни. Ҳаддан зиёд ижтимоий фаоллик азал яралмишда унинг олдида қўйилган бурчларни тўлақонли бажаришга халақит бермасмикан?

- Биз – ўзбекларда “Икки тош орасида”, деган ибора бор. Бошимиздан ўтказган барча даврларни эсланг: ҳеч қачон осон яшамаганмиз. Тигиз пайтда самарали иш қилишга ўрганганмиз. Бундан ташқари, бизда аёлларимиз қайси касбда фаолият олиб бормасин, одамлар орасида яшайди,

²⁴ Раҳимбоева Қ. Хонадон чироғи//Саодат, 2012. 5-6 сон.

²⁵ Раҳимбоева Қ. Хонадон чироғи//Саодат, 2012. 5-6 сон.

эл ичида меҳнат қилади. Ҳамиша тўрт тарафида ёши улуг кишиларнинг “кўз”ини ҳис қилади...

- **Светлана Боймирзаевна, жойларда ҳар бир қабул қилинган қонуннинг ижроси билан боғлиқ назорат-таҳлил ишларини амалга оширасизлар. Таҳлил жараёнида нуқсонлар юзага чиқяпти?**

- Мен бу нуқсон, камчиликларни юзага келишига сабабчи бўлган одамларни уч тоифага бўламан:

Ўзига тегишли, касби, фаолиятига тегишли бўлган қонун билан қизиқмаганлар, қонунни ўрганмаганлар;

Ўзига тегишли, касби, фаолиятига тегишли бўлган қонунлар моҳиятини билиб турса ҳам, амал қилмайдиганлар;

Ўзига тегишли, касби, фаолиятига доир қонунларни билади, моҳиятини англайди, лекин уларни суистеъмол қилади, шахсий гараз мақсади, манфаати йқлида фойдаланади.

Биринчи, иккинчи тоифа одамларни қонунни ҳурмат қилишга, бажаришга ўргатса бўлади, лекин учинчи тоифа билан курашиш керак мурасизлик керак.

- **Қайси анъаналаримиз оилаларда ҳуқуқий маданият юксалишига ёрдам беради?**

- Ҳалоллик, тўғрилик, покизаликка ўргатадиган чиройли одатларимиз кўп.

Сутга сув қўшма, дейилади. Бу гапни фақат моддий маънода қабул қилмаслик керак. Беғубор нарсаларга ёлгон аралаштириш гуноғ, дегани бу.

*Бунинг замирида покликка ифлослик аралаштирма, тарзидаги ибрат бор...*²⁶

Журналист саволларни тузишда мантикий изчилликка эътибор берган. Респондентнинг жавоблари ҳам ўқувчига тушунарли, тез фаҳмлай оладиган ва содда қилиб етказилган. Айрим ўринларда халқ ибораларидан унумли фойдаланилган.

Журналист интервью сўнгида суҳбатдошининг куйидаги таъсирчан сўзларини келтиради:

*“...Омонатга хиёнат қилма, дейилади. Фақат бировларнинг буюми эмас, виждонинг, соғлигинг, фарзандларинг ҳам сенга – омонат. Истеъдодинг – омонат. Уларга хиёнат қилмасанг, асрасанг, ҳалол меҳнат билан соҳлом яшашга интилсанг, шу ҳаракатларинг сени соғлом муҳит доирасида ушлаб туради. Ҳуқуқий маданият дегандаўта сиёсий бир тушунчани тасаввур этмаслик керак. Тўғри, ҳалол яшаш қоидаларини ўзлаштириш дегани бу. Ўз юртинг қонунларини ҳурмат қилиш, уларга амал қилиш дегани бу...”*²⁷

Албатта, бу ўринда шунини таъкидлаш лозимки, журналист интервью жараёнида журналистикага оид қонун-қоидалар ва меъёрларга амал қилишдан ташқари, касбий одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам риоя этиши, суҳбатдоши давлат арбоби, тадбиркор ёки оддий бир киши бўлишидан қатъий назар бирдек ҳурматни ифодалаши, унга, унинг фикрига ҳамиша эътиборли бўлиши, сергаплик каби қусурлардан ҳоли интервью тайёрлаши лозим. Материал сифатини оширишда журналист кадрларни ихтисослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шундай йўлга қўйилса, интервьюер респондентдан эмас, балки мутахассисдан интервью олади.

²⁶ Қутлибека. Миллат онага қараб қад ростлайди. // Саодат, 2012. 5-6-сонлар.

²⁷ Қутлибека. Миллат онага қараб қад ростлайди. // Саодат, 2012. 5-6-сонлар.

«Водий гавҳари» журнали ҳам ижтимоий фаол аёлларимиз фаолияти билан яқиндан таништиради. «Водий гавҳари» ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал бўлиб, 2011 йилнинг апрель ойидан бошлаб чоп этила бошлади. «Водийча ҳаёт фалсафаси» рукни остида «Қайнотам қолдирган «давлат» сарлавҳали интервью берилган. Ушбу материалнинг қаҳрамони 68 ёшли тадбиркор Марҳабохон Тожиматова. Интервью ўзига хос тарзда берилган. Бунда журналист маълум бир саволлар билан мурожаат қилган, аммо реципиентнинг жавобидан келиб чиқиб, саволларнинг ўрнига мавзучалар қўйилган:

«Онамдан эшитганларим:

Онам, Оминахон Қурбонова 1912 йилда таваллуд топган, уй бекаси, жуда содда аёл бўлган...

Онамнинг айтишича, айна иш қизгин пайти даланинг ўртасида (икки донга катта тишим ҳам бор экан) туғилганим учун ҳамма томошага йиғилган. Маҳалладаги Абдуқодир ака деган одам оғзимдаги тишимни кўриб, Оминахон ўғил туғибди, деб қйлаб ҳаммадан суюнчи йиққан. Бу воқеани эшитиб онам роса йиғлаган, ахир қиз туққангда. Шунда энам қизини юпатиб, кўрасан бу қизинг «ўғил бола қиз» бўлади, ката бўлса «Райқўм» бўлади, деган. Бу 1944 йилдаги гап. Ақлимни таниб гап уқадиган бўлиб қолганимда ўзимга ҳам «Сен Райком бўласан» деб кўп гапиришарди. «Демак, райком бўлишим керак экангда...» деган фикрда мен ҳам ана шу – ояга интилиб яшай бошлаганман.»²⁸

Бундан кўриб турибдики, журналист интервьюни анъанавийликдан ноодатийликка қараб йўналтирган. Интервьюнинг қолган мавзучаларини ҳам кўриб чиқсак.

«Ширин хотиралар.

Мактабда аъло баҳога ўқидим. Мактабимизда ўқувчилар ижросида турли спектакллар сахналаштириларди. Мен фаол иштирокчиларидан бири бўлганман...

²⁸ Шукрона. Қайнотам қолдирган «давлат». //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

Қайнотам ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман.

Ҳар бир ишни қайнотам (Мадаминжон Баҳромов тилло инсон бўлган) билан маслаҳатлашгач, кейин бошлардим. Бу баъзиларга эриш туюларди. Қиз узатиб, ёшингиз бир жойга бориб қолаётган бўлса ҳам, қайнотангиздан рухсат сўрайсизми? – дейишарди...

Ҳаёт зарбалари.

Мендан катта опам 34 ёшида юрак хуружидан оламдан ўтди. Ўлимидан аввал «Болаларимга кўз-қулоқ бўлгин. Дадаси ёш, уйланади... Фарзанд кўрса, менинг болаларим ажралиб қолмасин...» деб васият қилиб кетди...

Катта опамнинг хўжайини поччам бўлса, 41 ёшида тарки дунё қилди. У ҳам умрининг сўнггида «Опангизнинг қўлидан ҳеч иш келмайди. Унга тиргак бўлинг, ёрдам беринг, мендан кейин қийналиб қолмасин...» деди...

... Чўлпоной Тургунова деган аёл бизнинг уйимизда яшарди... 21 ёшида бева қолган бу аёлнинг яқинлари бўлмагани боис, бирга яшашликни таклиф қилгандим... Хуллас, тақдир менинг иродам ва бардошимни синовга қўйди. Мен энди нафақат ўзим ва оилам учун, балки икки опамнинг фарзандлари келажаги учун ҳам, уйимдаги ёлғиз аёл учун ҳам қаттиқ меҳнат қилишим керак эди...

Фарзандларим ва англаганларим.

Уч нафар фарзандим, 10 нафар набирам, 3 нафар чеварам бор. Соддадил, ишонувчан, баодоб, тўғрисўз бўлиб вояга етишган... Яна ҳаётдан олган ҳақиқатим: пулдор бўламан деб эмас, кўнгил оламан, деб яшаиш керак. Кўнгил 8 ҳар қандай мулкнинг султони...

Холис ва эзгу ниятларим.

Бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган юртда ҳеч қаерда ўхшаши бўлмаган ёдгорлик қуриш учун дунё архитекторларига танлов эълон қилинса. Дунё аҳли ўша жойни кўргани келса, деб орзу қиламан... Юртбошимизни ҳар куни алоҳида дуо қиламан. Тошкентни

Андижонга яқин қилган чиройли йўллар учун, чиройли бинолар, боғлар, маънавият ўчоқлари бунёд этишга қилинаётган ҳаркатлар, қурилишлар учун раҳмат...»²⁹

Интервьюда материал қаҳрамонининг турли ёшдаги ранг-баранг фотосуратлари берилган. Шунини таъкидлаш лозимки, бу фотосуратлар интервьюда ўз ўрнида ва унумли қўлланилган. Материални тўлдирган ҳамда бойитган.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, фотосуратлар ҳам матбуот нашрларининг юраги ҳисобланади. Биргина сурат ҳамда тагсўз орқали каттагина информацияни бериш мумкин. Ўйлаб кўринг, узундан-уzun мақолани ўқиш ўқувчи учун мароқлими ёки чиройли ҳамда маҳорат билан олинган ўшандай ахборотни берувчи суратними?

Журналист қайси жанрда материал тайёрламасин, айниқса, интервью, суҳбат, очерк бўладими, у албатта, суҳбатдоши (қаҳрамони)нинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, характери ва асосийси, у фаолият юритаётган соҳани мукамал билмоғи лозим. Иқтисодчи билан иқтисодчидек, сиёсатчи билан сиёсатчидек муносабатда бўлиши керак. Шу билан бирга, шу соҳанинг терминларини пухта билиши шарт. Кўриниб турибдики, муаллиф материални тайёрлашда қаҳрамон фаолиятига оид соҳани яхши билиши, фермерлик соҳасига оид атамаларни ўз ўрнида қўллай билиши яққол намоён бўлган.

Ушбу икки ёки кўп томонлама алоқа журналистга катта масъулият юклаганлиги боис интервьюер суҳбат олдидан ёзиб олинганда ҳам, бевосита эфирга узатилаётганда ҳам ҳар қандай вазиятга тайёр туриши, интервью олдидан респондент билан мавзунини муҳокама қилиб олиши, ҳатто савол-жавоблар жараёнида суҳбатдошининг кайфиятини англай олувчи ва шунга кўра у билан муваффақиятли интервью олиб борувчи руҳшунос бўлиши кераклигини касб қонуниятлари қатори давр ҳам талаб этапти.

²⁹ Шукрона. Қайнотам қолдирган «давлат» //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

Матбуотчилар орасида «бир ўқ билан икки қуёни урувчи» интервьюерлар ҳам топилади. Аслида қўша-қўша савол бериш журналистика одобига тўғри келмаса-да, газеталарда бундай ҳолатни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, «Инсон ва қонун» газетасининг 2012 йил 6 май сонидagi санъаткор Сайёра Қозиева билан бўлган интервью деярли қўшалок саволдан иборат.

- Санъаткорнинг унвонга нисбатан муносабатини қандай изоҳлайсиз? Халқ тан олса, тингласа, шунинг ўзи олий мукофот эмасми?

Эътибор қилсак, бу интервьюда муаллиф қўшалок савол бериш ҳисобига тасдиқ жавобини талаб этувчи саволни ҳам қайд этган.

Умуман олганда, ҳар икки савол ҳам тил меъёрлари талаби даражасида эмас, уларда орфографик, стилистик ва мантикий хатолар бор. Шунингдек, журналист бунда ўз муносабатини билдириш ва фикрларини айтиб олиш билан кифояланган ҳолос. Бу ўринда «Унвонга муносабатингиз қандай?» ёки «Сизнингча, санъаткор унвонга қандай муносабатда бўлиши керак? - деб савол берилса мантиқан тўғри бўларди. Иккинчи савол эса аввалги жавобга боғлиқ ҳолда бериладиган савол бўлиб, газетада ифода этилган шаклдан кўра «Санъаткор учун олий мукофот нима?» - деб савол тузилиши ва унинг мазмуни адабий тил меъёрларига мувофиқ бўларди. Интервьюнинг ишонч билан «Халқ тан олса, тингласа шунинг ўзи олий мукофот эмасми?» - дейиш ҳам мантиқан хато. Боиси, санъаткор учун унданда олий мукофот ҳам бўлиши мумкин.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 17 май сонида Юнусобод туман меҳнат бўлими раҳбари билан ўтказилган интервьюнинг ҳам саволлари мақтагулик эмас. Бунда интервьюер мақсади аниқ бўлса-да, фикри теран эмаслиги яққол сезилиб турибди.

- Нозима опа келгусига белгиланган режалар хусусида ҳам гапириб берсангиз.

Бу жумла ҳам яна бир саволни келтириб чиқаради. Яъни Нозима опа кимнинг, қандай режалари ҳақида гапирди. Қолаверса, гап ҳам савол

шаклида эмас, илтимос шаклида баён этилган. Саволни бундай тузиш яхши самара бермаслигини ҳатто ўтган асрнинг 50-йилларида ижод қилган журналистлар ҳам эътироф этишган.

Шу жиҳатдан мазкур саволни «Нозима опа, жамоанинг келгусида режалари қандай?» ёки «Нозима опа, жамоанинг истиқболдаги режалари қандай?» - деб ўзгартириш ҳам мантиқан, ҳам услуб жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўғриси, оммага айнан ёзув (ёзма нутқ) орқали етиб бораётган ва ҳар бири ўз муаллифидан ташқари муҳаррирларнинг ҳам таҳриридан ўтган матбуот нашрлари тилида ғализликлар кўплиги матбуот ҳам оғзаки нутқнинг таъсирига тушиб қолаётганлигидан далолатдир. Негаки, ҳозирги баъзи газеталарда журналистларга мутлақо обрў келтирмайдиган, айрим ҳолларда, ҳатто иш бошловчи журналистлар ҳам йўл қўймайдиган хатолар айрим малакали матбуотчилар фаолиятида учраяпти. Улар саволларни мантиқсиз ва ҳар хил бўёқдор сўзлар билан ифодалашда кузатилаяпти. Масалан, «Туркистон» газетасининг 2012 йил 3 декабр сонида эълон қилинган шифокор билан интервью саволларининг аксарияти тасдиқловчи, шунингдек, қурилиши мураккаб бўлгани билан маъноси тўла-тўқис эмаслиги кўзга ташланади. Биз бу билан газетачилар мутлақо савол беришни билишмайди, интервью технологиясини яхши ўзлаштиришмаган демоқчи эмасмиз, аммо бу борада камчиликлар етарли.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, материалнинг мукамаллиги журналистнинг билимига, лисоний-услубий малакасига, нутқ маданияти ва одобига, умуман олганда, унинг маҳоратига боғлиқ экан. Бунинг учун журналист тинмай меҳнат қилиши, ўз устида ишлаши талаб этилади. Борлиқдаги фикрлани ифодалашда тил воситаларининг имкониятларини яхши билиш ва уни амалда қўллай олиш энг муҳим омилдир. Бу, айниқса, интервью жанрида ижод этаётганлар учун керак. Чунки суҳбат жараёнида тўғри ва ўринли савол тузиш ва уни бериш суҳбатдошнинг нутқининг салоҳиятига ҳам таъсир кўрсатади. Саволга қараб

жавоб берилади ва мавзу очилади. Бунда таҳририятларнинг роли ҳам катта. Таҳрир жараёнида интервьюнинг ўзига хос томонларини эътиборга олиш лозим бўлади.

ХУЛОСА

Ҳозирда ахборот журналистикасининг энг фаол жанрларидан ҳисобланаётган интервью тарихи инсоният пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги нашр этилган журналистикага оид матнларда айнан қайд этилмаган бўлса-да, тарихий, илмий ва бадиий адабиётларда у қадимдан бўлганлиги ва асрлар давомида шаклланиб, оммавий мулоқотдан маданий мулоқот даражасига кўтарилганлигини тасдиқлайди.

Интервью алоҳида жанр сифатидагина эмас, балки бошқа кўплаб жанрлар таркибида уларни шаклан ва мазмунан бойитиш учун хизмат қилаётганлиги тадқиқотда мисоллар орқали кўрсатилди. Аммо бу интервью ўзида ҳеч қайси бир жанр хусусиятини қўлламайди, дегани эмас. Сабаби, битирув мвлжавий ишида интервьюнинг 10 дан ортиқ тури кўрсатилган бўлиб, уларнинг айримлари интервью ва бошқа жанр хусусиятларининг уйғунликдаги шаклидир. Масалан, портрет интервью шахсга чизги беришни очеркдан олган бўлса, интервью лавҳадан савол-жавобнинг қўшимча деталлар, кайфият ва бошқа бир қатор унсурлар билан тўлдирилиши лавҳа жанрига хос ҳисобланади. Бу эса журналистика асарлари жанрининг ҳар бири алоҳида хусусиятига эга бўлса-да, улар орасида қатъий чегара йўқлигини кўрсатади.

Интервьюнинг оммавий ахборот воситаларидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилганда, улар орасида телеинтервью энг таъсирчан ҳамда унга қўйиладиган талаблар ҳам матбуот ва радио интервьюсига нисбатан талабчанроқ эканлиги ойдинлашади. Ушбу икки ёки кўп томонлама алоқа журналистга катта масъулият юклаганлиги боис интервьюер суҳбат олдида ёзиб олинганда ҳам, бевосита эфирга узатилаётганда ҳам ҳар қандай вазиятга тайёр туриши, интервью олдида респондент билан мавзунини муҳокама қилиб олиши, ҳатто савол-жавоблар жараёнида суҳбатдошининг кайфиятини англай олувчи ва шунга кўра у билан муваффақиятли интервью олиб боровчи

рухшунос бўлиши кераклигини касб қонуниятлари қатори давр ҳам талаб этаяпти.

Ҳозирда журналистика бутун дунёда тараққий этиб бораётган соҳа саналса-да, унинг назарияси ва амалиёти ўртасидаги узилишлар борлигини ишимизда келтирилган мисоллар исботламоқда. Бунинг сабабларидан бири ҳозирги баъзи журнилистлар назарияни яхши билмасликлари, бу соҳада таълим олмаганлар ҳамда журналистлар қатори ишлаётганлиги, ўзбек тилида журналистика қонун-қоидалари ва журналистларни алоҳида-алоҳида фарқлаб кўрсатувчи илмий адабиётлар етарли эмаслиги, шунингдек, назарий билим ўз вақтида амалий кўникма билан мустаҳкамланиб бормаслигидир. Бунга айрим журналист талабаларнинг эринчоқлиги, тил ўрганишга ва ўзига зарур адабиётларни излаб топишга иштиёқи йўқлигини ҳам сабаб қилиб келтириш мумкин. Соҳага янгилик олиб кириш ёш мутахассисларнинг вазифаси экан, интервью олиш ва тарқатишнинг ҳам янгидан янги усул ва воситаларини топиш ҳамда уларни амалиётга қўллаш борасида бугунги журналистлар тинмай изланишлари лозим.

Ҳозир ҳамма ҳам интервью беришга иштиёқманд эмас. Айниқса, масъулиятли давлат арбоблари ёхуд йирик компания ва концертларнинг мутассаддиларидан интервью олиш, тўғрироғи, интервью учун уларнинг бўш вақтини топиш мушкул. Шу боис янги давр журналистларига касбий маҳорат сирларини ўргатиш билан бирга уларда ишбилармонлик қобилиятини ҳам шакллантириш лозим. Айниқса, журналист кадрларни ҳозирда барча соҳаларда мавжуд рақобатга жавоб бера оладиган қилиб тарбиялашнинг аҳамияти катта. Бугунги аудитория ҳар қандай журналистика асарини эмас, балки сара ва сифатли, ўзига хос ижодий намуналарнигина қабул қилиши оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир ходимига катта масъулият юклайди. Журналист эса интервью жараёнида журналистикага оид қонун-қоидалар ва меъёрларга амал қилишдан ташқари, касбий одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам риоя этиши, суҳбатдоши давлат арбоби, тадбиркор ёки оддий бир киши бўлишидан қатъий назар бирдек ҳурматни ифодалаши, унга,

унинг фикрига ҳамиша эътиборли бўлиши, сергаплик каби қусурлардан ҳоли интервью тайёрлаши лозим. Интервью сифатини оширишда журналист кадрларни ихтисослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шундай йўлга қўйилса, интервьюер респондентдан эмас, балки мутахассисдан интервью олади.

Ҳар бир оммавий ахборот воситасининг интервьюси ўзига хосдир. Уларнинг журналистик асарлар тизимида ҳам ўз ўрни бор. Журналистлар Ким? Нима? Қачон? Қаерда? Нима учун? сингари саволлар орқали мавзу (воқеа ёки ҳодиса) моҳиятини таҳлил қилар эканлар матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам интервью ўз долзарблигини сақлаб қолади.

Интервью тўлақонли чиқиши учун интервьюернинг энг биринчи қиладиган иши - суҳбатдошининг кимлигини аниқлаш, унинг қизиқишлари, касби, ёши ва ўзига ҳос томонларини яхши ўрганишдан иборат. Бунинг учун журналистдан психология, тилшунослик, мантиқшунослик, этика-эстетикага оид билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Журналист интервью олаётганда ушбу жанрнинг ўзига хос қонун-қоидаларига амал қилиши талаб қилинади. Айниқса, интервьюнинг тили ва услуби ўзига хос. Унда сўзлашув услубига хос тил унсурларидан унумли фойдаланилади. Диалогга хос бўлган хусусиятларга амал қилиниб, локонизмга (қисқаликка) алоҳида урғу берилади. Тўлиқсиз, сўроқ гаплар, тасдиқ сўзлар ва суҳбатдошнинг мутахассислигига оид терминлар кўпроқ қўлланилади. Суҳбат жараёнида оғзаки нутқда ишлатиладиган савол-жавобдан фойдаланилади. Бунда гаплар грамматик жиҳатдан тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Сўроқ гаплар, айниқса, хитобий сўроқлардан унумли фойдаланилади. Респондент касбига оид терминлар, касб-ҳунарга оид сўзлардан ҳам унумли фойдаланиш интервьюнинг талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Интервьюнинг мукамал бўлиши журналистнинг билмига, лисоний-услубий малакасига, нутқ маданияти ва одобига, умуман олганда унинг маҳоратига боғлиқ экан. Бунинг учун журналист тинмай меҳнат қилиши, ўз

устида ишлаши талаб этилади. Борлиқдаги фикрлани ифодалашда тил воситаларининг имкониятларини яхши билиш ва уни амалда қўллай олиш энг муҳим омилдир. Бу, айниқса, интервью жанрида ижод этаётганлар учун керак. Чунки суҳбат жараёнида тўғри ва ўринли савол тузиш ва уни бериш суҳбатдошнинг нутқининг салоҳиятига ҳам таъсир кўрсатади. Саволга қараб жавоб берилади ва мавзу очилади. Бунда таҳририятларнинг роли ҳам катта. Таҳрир жараёнида интервьюнинг ўзига хос томонларини эътиборга олиш лозим бўлади.

Хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кетаётган туб ўзгаришлардан оммани хабардор қилувчи ОАВнинг ўзида ҳам тубдан ўзгаришларни давр талаби асосида босқичма-босқич амалга ошириш керак. Шундагина ўзбек журналистикаси жаҳоннинг илғор журналистикаси билан тенглашади ва давр билан ҳамнафас бўлади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Т.: Ўқитувчи, 2012. - 84 б.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //Тўртинчи ҳокимият. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. “Ноширлик фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //Тўртинчи ҳокимият. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 12 ноябрь
5. Каримов И. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
6. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Халқ сўзи, 2012 йил, 27 июнь.

Асосий адабиётлар:

1. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. – Т.: Зар қалам, 2006.

2. Тоҳиров З. Адабий таҳрир. Дарслик. –Т.: Тафаккур-Бўстони, 2012. -320 б.
3. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнгулов Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1983.
4. Тошалиев И. Ўзбек тили услубияти. Ўқув қўлланма.-Т.: Университет, 1996.
5. Қўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
6. Ирназаров Қ.Т., Маматова Ё.М. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. — Т.: Юнеско, 2002.
7. Эрик Фихтилиус. Журналистиканинг ўн қондаси. –Т.: Шарқ, 2002. -108 б.
8. Мамажонов С. Услуб-образ-тасвирий воситалар // Шарқ юлдузи, 1989. 6-с.

Матбуот нашрлари:

1. “Туркистон” газетаси
2. “Гулчеҳралар” газетаси
3. “Шифо-инфо” газетаси
4. “Соғлом авлод” газетаси
5. “Тошкент оқшоми” газетаси
6. “Саодат” журнали
7. “Водий гавҳари” журнали

Телеканаллар:

1. “Ўзбекистон” телеканали
2. “Ёшлар” телеканали